

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**11-сон**  
**(979)**  
**2021 йил**  
**март**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

107. «Экологик аудит тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги ЎРҚ–678-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

108. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПФ–6188-сон Фармони

109. «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори

110. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПҚ–5030-сон қарори

111. «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПҚ-5031-сон қарори
112. «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

113. «Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги 135-сон қарори
114. «Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 144-сон қарори
115. «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тизимида товарларнинг намуна ва синамаларини тасарруф этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 мартдаги 145-сон қарори
116. ««Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартдаги 152-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

117. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2021 йил 18 февралдаги 2021-11-сон, 2021 йил 12 февралдаги 7-сон «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2110-2*)
118. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 мартдаги 5-мх-сон «Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларга ўзгартиришлар кириштиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-*

*ги томонидан 2021 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2863-1)*

119. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 2021-14-сон «Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2808-2)*)
120. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 16 мартдаги 16-сон, 2021-16-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3288)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 107 Экологик аудит тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 26 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда  
маъқулланган

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади экологик аудит соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик

Экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик аудит тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**экологик аудит** — экологик аудит субъекти амалга оширадиган хўжалик ва бошқа фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш юзасидан экологик аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган тизимли, ҳужжатлаштирилган, мустақил баҳолаш;

**экологик аудитор** — экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

**экологик аудитнинг буюртмачиси** — экологик аудит ўтказиш ташаббуси билан чиқувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори иштирокчилари ва (ёки) акциядорлари;

**экологик аудиторнинг малака сертификати** — экологик аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 мартда эълон қилинган.

**экологик аудит объекти** — экологик аудит субъектининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган хўжалик ва бошқа фаолияти, шунингдек, унинг атроф-муҳитни бошқариш тизими;

**экологик аудит субъекти** — маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи, ўзида экологик аудит ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект ва бошқа ташкилотлар;

**экологик аудиторлик ташкилоти** — экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс;

**экологик аудиторлик фаолияти** — экологик аудиторлик ташкилотининг экологик аудит ўтказишни ва турдош хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган тадбиркорлик фаолияти;

**экологик аудит хулосаси** — экологик аудит буюртмачисига йўлланган, ўтказилган экологик аудит жараёни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг аниқланган бузилишлари, ўтказилган лаборатория синовларининг натижалари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ҳамда экологик аудит ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотни ўз ичига олган ҳужжат.

#### **4-модда. Экологик аудитнинг асосий принциплари**

Экологик аудитнинг асосий принциплари мустақиллик, холислик, махфийлик ва ишончлиликдан иборатдир.

#### **5-модда. Экологик аудит стандартлари**

Экологик аудит стандартлари экологик аудитни ўтказиш, турдош хизматлар кўрсатиш ва экологик аудиторлар ишининг сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Миллий экологик аудит стандартлари экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир ягона талабларни белгилайди.

Экологик аудиторлик ташкилотлари экологик аудитни ўтказиш чоғида шартномага мувофиқ халқаро экологик аудит стандартларини қўллаши мумкин.

#### **6-модда. Экологик аудитнинг асосий вазифалари**

Экологик аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

экологик аудит субъекти хўжалик ва бошқа фаолиятининг экологик жиҳатлари тўғрисидаги ишончли ахборотни тўплаш;

экологик аудит субъектининг хўжалик ва бошқа фаолияти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш;

экологик аудит субъекти томонидан амалга ошириладиган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулдда вазиятларнинг юзага келиши хавфини камайтириш;

атроф-муҳитни бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

экологик аудит хулосасини тузиш, экологик аудит субъекти томонидан амалга ошириладиган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек атроф-муҳитни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

### **7-модда. Экологик аудит ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Экологик аудит қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган экологик назоратнинг ўрнини босмайди.

Экологик аудит экологик аудиторлик ташкилоти ва экологик аудит буюртмачиси ўртасида тузиладиган, экологик аудит ўтказиш муддатлари ва бошқа шартлари белгиланадиган шартнома асосида ўтказилади.

Экологик аудит экологик аудит субъектининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги бутун фаолиятига ёки унинг алоҳида қисмига нисбатан ўтказилиши мумкин.

Экологик аудит субъектининг фаолияти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат экология қўмитаси деб юритилади) томонидан бир йил давомида текширилмайди, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Экологик аудит субъектининг фаолияти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда экологик аудит субъекти аниқланган қоидабузарликларни бир ойлик муддатда бар-тараф этиши шарт.

Авариялар ва фавқулдда вазиятлар юзага келганда, шунингдек, жиноят ишларини тергов қилиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи муносабати билан Давлат экология қўмитаси томонидан ўтказилган экологик аудитнинг факти ва натижаларидан қатъи назар текширув ўтказилиши мумкин.

### **8-модда. Экологик аудит шакллари**

Экологик аудит ихтиёрий ёки мажбурий шаклда ўтказилиши мумкин.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи кам бўлган ёки унчалик кўп бўлмаган (локал таъсирга эга) экологик аудит субъектларининг фаолиятига нисбатан экологик аудит ихтиёрий тартибда ўтказилади.

Атроф-муҳитга юқори ва ўртача таъсир кўрсатиш хавфига эга бўлган экологик аудит субъектлари ҳар йилги мажбурий экологик аудитдан ўтказилиши лозим.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи даражаси бўйича фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ихтиёрий экологик аудит экологик аудит буюртмачисининг ташаббусига кўра ўтказилади.

Мажбурий йиллик экологик аудит экологик аудит субъектининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги бутун фаолиятига нисбатан ўтказилади.

### **9-модда. Экологик аудит хулосаси**

Экологик аудит ўтказиш яқунлари бўйича экологик аудит хулосаси тузилади.

Экологик аудит хулосаси аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларни, шунингдек, экологик аудит субъекти томонидан амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олиши керак.

Экологик аудит хулосаси махфий ҳужжатдир ва у экологик аудит буюртмачисининг розилигисиз ошқор қилинишига йўл қўйилмайди.

Экологик аудит хулосасининг ҳар бир саҳифаси экологик аудитни амалга оширган экологик аудитор (экологик аудиторлар) ва экологик аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак.

Экологик аудит хулосасининг шакли ва мазмуни экологик аудит стандартларида белгиланади.

### **10-модда. Экологик аудиторлик ташкилотлари**

Экологик аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилдир.

Экологик аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома фақат экологик аудиторлик ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда тузилади.

Экологик аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек, улар ходимларининг фаолиятига мустақил экологик аудитни амалга оширишга монелик қилиш мақсадида аралашишга ҳамда қандай шаклда бўлмасин, таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар экологик аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Экологик аудиторлик ташкилотлари ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин, бундан акциядорлик жамияти мустасно.

Экологик аудиторлик ташкилотига ушбу экологик аудиторлик ташки-

лоти ўзи учун асосий иш жойи бўлган экологик аудитор раҳбар бўлиши мумкин.

Экологик аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Экологик аудиторлик ташкилотлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Экологик аудиторлик ташкилоти бошқа экологик аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин эмас ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бирор-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

### **11-модда. Экологик аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Экологик аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудит субъектига нисбатан экологик аудит ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун унинг таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари билан олдиндан танишиш;

экологик аудит субъектининг асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек, уларнинг ҳақиқий ҳолати ва иш самарадорлигини ўрганиш;

зарур ўлчовлар ўтказиш, намуналар олиш ва ўзининг аккредитациядан ўтган лабораториясида ёки бошқа аккредитациядан ўтган лабораторияда лаборатория синовларини ўтказиш;

экологик аудит ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ўтказиш учун масъул бўлган шахслардан тушунтиришлар ва экологик аудит ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар олиш;

экологик аудит ўтказишда иштирок этишга бошқа мутахассисларни эксперт сифатида жалб қилиш;

экологик аудит билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш.

Экологик аудиторлик ташкилоти қуйидаги турдош хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин:

а) атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун тўлов ҳисоб-китобининг тўғрилигини текшириш;

б) қуйидаги масалалар юзасидан таҳлил қилиш ва маслаҳат бериш: табиий ресурслардан фойдаланиш ва (ёки) атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тўғрисида ҳисоботлар тузиш;

табиатни муҳофаза қилишга оид фаолиятни ва тадбирларни режалаштириш, амалга ошириш ҳамда натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқаришга доир экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижалари тўғрисида ҳисоботлар тузиш;



атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш бўйича илғор технологиялар ва усулларни жорий этиш;

в) атроф-муҳитга етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш.

Экологик аудиторлик ташкилоти:

экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

штатида асосий иш жойи экологик аудиторлик ташкилоти бўлган камида тўрт нафар экологик аудитор мавжуд бўлишини таъминлаши;

экологик аудиторлик ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисига эга бўлиши;

экологик аудит хулосасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилиши ҳолатини бартараф этиш бўйича тавсияларни акс эттириши;

экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир тегишли ҳужжатларни экологик аудит буюртмачисининг талабига кўра тақдим этиши;

экологик аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши;

экологик аудит натижаларини экологик аудит стандартларига биноан расмийлаштириши ва экологик аудит хулосаларининг нусхаларини экологик аудиторлик ташкилотида камида беш йил сақлаши;

экологик аудиторлар иши сифатининг назоратини таъминлаши шарт.

### **12-модда. Экологик аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Экологик аудиторлик ташкилоти била туриб сохта тузилган экологик аудит хулосасини тузиши оқибатида етказилган зарар учун экологик аудит буюртмачиси олдида жавобгар бўлади.

Экологик аудитнинг экологик аудит ўтказмасдан тузилган ёки экологик аудит натижалари бўйича тузилган, аммо экологик аудитор (экологик аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган ҳужжатлар мазмунига мувофиқ бўлмаган хулосаси била туриб сохта тузилган ҳисобланади.

Сифатсиз ўтказилган ёки лозим даражада ўтказилмаган экологик аудит натижасида экологик аудит буюртмачисига етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланиши лозим.

### **13-модда. Экологик аудит ўтказиш чоғидаги чекловлар**

Қуйидагиларга экологик аудит ўтказиш тақиқланади:

экологик аудит субъектининг мансабдор шахслари билан яқин қариндошлик муносабатларида бўлган шахсга;

экологик аудит субъектига нисбатан мулкӣ ёки шахсий номулкӣ манфаатлари бор шахсга;

Давлат экология қўмитасининг мансабдор шахсларига;

экологик аудит субъектининг ходимиға.

Экологик аудит экологик аудиторлик ташкилотлари ва экологик аудиторлар томонидан қўйидагиларга нисбатан ҳам ўтказилмайди:

ушбу экологик аудиторлик ташкилотининг мулкдорлари, иштирокчилари, кредиторлари, суғуртачилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, ушбу экологик аудиторлик ташкилотлари ва экологик аудиторлар ўзига нисбатан мулкдор, иштирокчи, акциядор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

ўз мулкдори, иштирокчиси, акциядори, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид фаолиятни ташкил этиш ва юритиш учун жавобгар бўлган шахси бир вақтнинг ўзида мазкур экологик аудиторлик ташкилотининг мулкдори, иштирокчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

ўз ходими бир вақтнинг ўзида мазкур экологик аудиторлик ташкилотининг ходими бўлган экологик аудит субъектига нисбатан.

Экологик аудиторлик ташкилоти айни бир экологик аудит субъектида кетма-кет уч мартадан ортиқ экологик аудит ўтказишга ҳақли эмас.

#### **14-модда. Экологик аудиторга қўйиладиган талаблар**

Экологик аудиторга қўйидаги талаблар қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг мавжудлиги;

тегишли соҳага оид олий маълумотнинг мавжудлиги;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ёки турдош соҳаларда кетма-кет камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиш;

экологик аудитор малака сертификатининг мавжудлиги.

Экологик аудитор аризасида кўрсатилган фаолиятни фақат битта экологик аудиторлик ташкилотида амалга оширишга ҳақли.

Экологик аудиторларни тайёрлаш, шунингдек, экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **15-модда. Экологик аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Экологик аудитор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудит ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

экологик аудитга тақдим қилинган, экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган материалларни рад этиш.

Экологик аудитор:

экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

экологик аудит натижаларини экологик аудит стандартларига биноан расмийлаштириши;

экологик аудит ўз вақтида, комплекс тарзда, холисона, сифатли ўтказилишини, шунингдек экологик аудит хулосаси расмийлаштирилиши ва берилишини таъминлаши;

экологик аудитнинг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги мавжуд бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиш ҳақида арз қилиши;

экологик аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

### **16-модда. Экологик аудитор ёрдамчиси**

Экологик аудитор ёрдамчиси экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлмаган, экологик аудиторлик ташкилотида ишлайдиган ҳамда экологик аудит хулосасига имзо қўйиш ҳуқуқсиз, экологик аудиторлик ташкилотининг топшириғига кўра экологик аудитда иштирок этадиган жисмоний шахсдир.

Экологик аудитор ёрдамчисига нисбатан экологик аудит ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти татбиқ этилади.

Экологик аудитор ёрдамчиси сифатида ишлаш вақти экологик аудиторнинг малака сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига киритилади.

### **17-модда. Экологик аудит буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Экологик аудит буюртмачиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудит ўтказиш учун экологик аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлаш;

ихтиёрий экологик аудит чоғида экологик аудитнинг йўналиши ва иш ҳажмини белгилаш;

экологик аудиторлик ташкилотидан экологик аудит хулосаси қайси қонунчилик ҳужжатлари нормаларига асосланганлиги тўғрисидаги зарур ахборотни олиш;

экологик аудит хулосасини олиш.

Экологик аудит буюртмачиси:

экологик аудиторларга экологик аудитни ўтказиш учун тегишли шартшароитлар яратиши;

экологик аудитни ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни тақдим этиши;

экологик аудит режасини тасдиқлаши;

экологик аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ экологик аудит ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаши шарт.

### **18-модда. Экологик аудит субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Экологик аудит субъекти қўйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудитнинг йўналиши, иш ҳажмлари ва режаси билан танишиш;

экологик аудиторлардан табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, экологик аудит ўтказиш чоғида аниқланган камчиликлар ҳамда қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар олиш.

Экологик аудит субъекти:

экологик аудиторларни экологик аудитни экологик аудиторлик хизмат-

лари кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда ўтказиши учун тегишли шарт-шароитлар билан таъминлаши;

экологик аудиторларга технологик асбоб-ускуналарнинг ишга яроқлилиги ва самарадорлигини аниқлаш нуқтаи назаридан кўздан кечириши, чиқиндилар тўпланадиган ва сақланадиган жойларни, атмосфера ҳавосини, сув ва ер ресурсларини ифлослантирувчи манбаларни текшириш, биологик ресурсларни сақлаш мақсадида ҳудудни ўрганиши, шунингдек, лаборатория синовларини ўтказиш учун зарур бўлган намуна ва нусхалар олиши учун имконият бериши;

экологик аудит жараёнида аниқланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилишларини бартараф этиши шарт.

### **19-модда. Экологик аудиторлик ташкилотларининг реестри ва Экологик аудиторларнинг реестри**

Экологик аудиторлик ташкилотларининг реестри экологик аудиторлик ташкилотларининг рўйхатини ўз ичига олади ва Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Экологик аудиторларнинг реестри экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган экологик аудиторларнинг рўйхатини ўз ичига олади ва Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Экологик аудиторлик ташкилотларининг реестри ва Экологик аудиторларнинг реестрини юритиш тартиби, унинг шакли ҳамда унга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **20-модда. Экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари**

Экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари экологик аудиторларни ихтиёрий асосда бирлаштирадиган нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборатдир.

Экологик аудиторлар жамоат бирлашмаларининг фаолияти экологик аудиторларнинг касбий даражасини ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга, уларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари:

экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари аъзоларининг ҳисобини юритади ва улар ҳақидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтларига жойлаштиради;

экологик аудиторларни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

экологик аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

**21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**22-модда. Экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Давлат экология қўмитаси ва манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**24-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 15 март,  
ЎРҚ-678-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****108 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,  
шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш  
тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-5938-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги ПҚ-4602-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 17 март,  
ПФ-6188-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 17 мартдаги  
ПФ–6188-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ–2326-сон Фармонида:

а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ҳамда унга маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилсин»;

б) 6-банддаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илова 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

1-банддаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси» сўзлари «маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг I бўлими қуйидаги мазмундаги 22-банд билан тўлдирилсин:

«22. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3878-сон Фармонининг 1-бандида:

биринчи хатбошидан «Оила» маркази,» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидан «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган Ижтимоий соҳани ривожлан-

тиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссия таркибининг йигирма тўққизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармонида:

2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқларининг» сўзлари «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон Фармони 2-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони билан тасдиқланган Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши таркибида:

а) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 18<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«18<sup>1</sup>. Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши таркибининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги ПФ-5515-сон Фармонида:

а) 1-илованинг «Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 

Ҳоким ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи
--

Котибият
----------

 »;



б) 2-илованинг «Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 

Ҳоким ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
--

Котибият
----------

 »;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПФ–5542-сон Фармони билан тасдиқланган Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси таркибида:

а) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири»;

б) 12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги «Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5580-сон Фармони 3-бандининг бешинчи хатбошисидан «ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5618-сон Фармонида:

1-илова III бўлим 1-боб 2-қисмининг 6-бандидан «, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илова 14-банди «Тадбирларнинг номланиши» устунидан «, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5700-сон Фармонида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4-банд ва илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 5-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Кадастр агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашлари»

сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркибида:

а) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири»;

б) 23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПФ–5775-сон Фармони билан тасдиқланган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси таркибида:

а) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Р. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири»;

б) 18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ–5785-сон Фармони билан тасдиқланган Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси таркибида:

а) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5863-сон Фармонининг 6-бандидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ–5886-сон Фармони билан тасдиқланган Айрим шахсларга субсидиялар тўлаш схемаси 4-босқичи «Амалга ошириш механизми» устунидаги «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашига» сўзлари «туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5887-сон Фармонида:

3-илова 23-банди «Масъул ижрочилар» устунидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш. Жавлонов)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илова 2-банди «Масъул ижрочилар» устунидаги «Фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5930-сон Фармони 12-бандининг иккинчи хатбошисидаги «ФХДЁ архивлари» сўзлари «ФХДЁ органлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5938-сон Фармони 16-бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, янги маҳаллалар ташкил этилганда киритиладиган штат birlikлари сони Ички ишлар вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади ҳамда республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади».

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1096-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малякасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2050-сон қарорида:

4-банднинг бешинчи хатбошисидаги «фуқаролар йиғинларининг масъул котиблари ва» сўзлари «уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар, шунингдек,» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши» сўзлари «, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–2691-сон қарорида:


а) 3-бандда:

еттинчи хатбошидан «маҳалла,» сўзи чиқариб ташлансин;

йигирма тўққизинчи хатбошидан «маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар, нурунийлар,» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:


«Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



изоҳнинг биринчи хатбошисидаги «53 — 58 нафар» сўзлари «52 — 57 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1а-иловада:


«Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



изоҳнинг биринчи хатбошисидаги «57 нафар» сўзлари «56 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:


«Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



изоҳнинг биринчи хатбошисидаги «24 — 31 нафар» сўзлари «23 — 30 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 2а-иловада:

1) «Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:




2) изохда:

биринчи хатбошидаги «21 — 29 нафар» сўзлари «20 — 27 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

е) 2б-иловада:

1) «Ҳокимнинг ўринбосари хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:




2) изохда:

биринчи хатбошидаги «23 — 31 нафар» сўзлари «22 — 29 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ж) 2в-иловада:

1) «Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



2) изохда:

биринчи хатбошидаги «27 — 33 нафар» сўзлари «26 — 31 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

з) 2г-иловада:

«Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	Ҳоким ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	
	етакчи мутахассис — 1	1»;

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 21 — 28 нафар.

\* Олмазор тумани ҳокимлигига тегишли».

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2705-сон қарорининг 11-бандидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркибининг 18-бандидаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2833-сон қарорида:

а) 2-илованинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Маматов Р.Т. — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири»

б) 3-илова 4-бандининг тўртинчи хатбошисидан «хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 4-илованинг 13-бандидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2896-сон қарорида:

а) 1-иловада:

1) 11-банддаги «икки нафар» сўзлари «уч нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 14 — 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент

шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари тақдимига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари тегишли бошлиқларининг тақдимига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

16. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари тавсиясига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

б) 2-иловада:

1) 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Профилактика инспекторини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари (кейинги ўринларда — ИИББ) ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда — ИИБ) бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади»;

2) 8-банддаги «уч йилда» сўзлари «беш йилда» сўзлари билан алмаштирилсин;

3) 10-банддаги «ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар» сўзлари «ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

4) 21-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажаради»;

5) 24-бандда:

биринчи хатбошидаги «туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталарининг

хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари» сўзлари «фуқаролар йиғини раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидан «хотин-қизлар кўмиталари ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин;

6) 25-банднинг биринчи хатбошисидаги «яраштириш комиссиялари» сўзлари «оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7) 27 — 29-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8) 30-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9) 36-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси хизмат хонаси».

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2916-сон қарори 5-бандининг олтинчи хатбошисидан «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда» сўзлари чиқариб ташлансин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 июлдаги ПҚ–3119-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия таркибининг йигирманчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Р. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири».

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги ПҚ–3132-сон қарорида:

а) 1-иловада:

1) 2-банддаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашларига» сўзлари «туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари томонидан кўриб чиқилиб, ҳар йилнинг 1 май санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) тақдим этилади»;



3) 4-банддаги «Республика кенгаши» сўзлари «махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

4) 5-банддаги «Республика кенгашининг қарори» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг буйруғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

5) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Комиссия хулосаси асосида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид буйруғи қабул қилинади.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруқ ахборот воситаларида эълон қилинади»;

6) 8-банддаги «Республика кенгаши раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар)» сўзлари «махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

7) 9-банддаги «Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва» сўзлари «махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

1) тўққизинчи хатбошининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


«Биринчи сатрда «O‘zbekiston Respublikasi», иккинчи сатрда «Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash», учинчи сатрда «vazirligining» («Times new Roman Bold» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган»;

2) ўнинчи хатбошидаги «Qaroriga asosan» сўзлари «buyrug‘iga asosan» сўзлари билан алмаштирилсин;

3) ўн иккинчи хатбошининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи сатрда «Mahalla va oilani», иккинчи сатрда «qo‘llab-quvvatlash vaziri» («Times new Roman Bold» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган».

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги ПҚ–3142-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг тузилмасидаги «Ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3151-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосарлари — комплекс раҳбарлари, мутасад-ди раҳбарларга бириктирилган олий таълим муассасалари рўйхатида:

1-банд «Т/р» ва «Бириктирилган олий таълим муассасалари» устунлари тегишинча «11» рақами ва «Тошкент давлат юридик университети» сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банд «Комплекс раҳбарлари, мутасадди раҳбарлар» устундаги «Нарбаева Танзила Камаловна, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси» сўзлари «Мусаев Бехзод Анварович, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ–3184-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» фондининг Васийлик кенгаши таркибининг тўртинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири».

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3318-сон қарорида:

а) 6-банднинг учинчи хатбошисидан «ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-бандда:

биринчи хатбошидан «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ҳажмларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорлари асосида тасдиқланишини» сўзлари «ҳажмлари тасдиқланишини» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-илованинг 12 ва 25-бандлари «Масъул ижрочилар» устундаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш. Жавлонов)» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3391-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркибининг учинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маматов Р. — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири».

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3430-сон қарори 2-бандининг олтинчи хатбошисидаги «ФХДЁ архивлари» сўзлари «ФХДЁ органлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги «2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ–3440-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ–3509-сон қарори билан тасдиқланган Туризмни ривожлантириш масаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришни таъминлаш бўйича масъуллар бириктириладиган мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхатининг 7-банди «Масъул ижрочилар» ва «Лавозими» устунларидаги «Т.К. Норбоева» ва «Бош вазирнинг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари тегишинча «Р.Т. Маматов» ва «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ–3528-сон қарорида:

а) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Тошкент шаҳри ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар билан бир қаторда бириктирилган ҳудудда истиқомат қилувчи шахсларни ўрганиш ва келгусида уларнинг ҳар бирига ғайриижтимоий ёки бошқа ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвор эҳтимоли нуқтаи назаридан индивидуал ташхис қўйиш ҳамда профилактик аҳамиятга эга таъсирчан чораларни кўриш ҳам юклатилсин»;

б) 8-банднинг тўртинчи хатбошисидан «Тошкент шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича жамоатчилик комиссияси таркибида:

а) ўн олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири»;

б) ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

в) йигирманчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишинча ўн саккизинчи — йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3610-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги «фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни» сўзлари «фуқаролар

йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчисини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) илованинг 13-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низомнинг 15-бандидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3785-сон қарориди:

а) 2, 3, 6, 7 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

2-банддаги «хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари «маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 июндаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3800-сон қарорининг 6-бандидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3956-сон қарори 5-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидан «ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4075-сон қарориди:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «уларнинг ёрдамчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг алоҳида ўрнатган кўрсатган аъзоларига» сўзлари «уларнинг ёрдамчиларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«профилактика инспекторлари ёрдамчилари лавозимлари, қоида тариқасида, бириктирилган ҳудудда доимий яшовчи ҳамда мулоқотга киришувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга ёшлар орасидан жамланади;»;

в) 5-банддаги «Профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва» сўзлари «Профилактика (катта) инспекторларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

1) «а» кичик бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жамғармаларнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозит ҳисобларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;»;  
учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) «б» кичик бандида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жамғармаларнинг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари томонидан қабул қилинадиган қарорга асосан фақат қуйидагилар учун сарфланади:»;

иккинчи хатбошидаги «уларнинг ёрдамчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг алоҳида ўрнатилган аъзоларини» сўзлари «уларнинг ёрдамчиларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги «Сирдарё вилоятида «Ҳар бир оила — тадбиркор» Дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4172-сон қарорининг 8-бандидан «ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари» сўзлари чиқариб ташлансин.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4231-сон қарорининг 12-бандидан «ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари» сўзлари чиқариб ташлансин.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235-сон қарорида:

а) 4-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Г.М. Маруфова — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари»;

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ–4307-сон қарори билан тасдиқланган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибида:

а) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Р.Т. Маматов — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири»;

б) 30-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–4342-сон қарориди:

8-банд «б» кичик бандидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандидаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4436-сон қарори 1-бандининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши» сўзлари «Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги ПҚ–4513-сон қарориди:

а) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги «ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-иловада:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маруфова Г.М. — Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 17 мартдаги  
ПФ–6188-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4944-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармонида 4-илованинг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича 4-ишчи гуруҳ таркибининг 2-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармони билан тасдиқланган 2018 — 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, «ягона дарча» тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатининг 30 — 32-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5325-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5415-сон Фармонининг 5-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПФ–5903-сон Фармонида 1-илованинг Департамент билан ҳамкорлик қилиши таъминланадиган ташкилотлар рўйхатининг 3-4-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**109 Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятининг сифатини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи янги инновацион «ақлли тартибга солиш» усулларини жорий этиш мақсадида:

1. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими жорий этилиши доирасида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий тартибда ўтказиш талаби белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг қўйидагиларни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишда келиб тушган таклиф ва фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботга киритилиши ҳамда мажбурий тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдим этилиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилиниши;

жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилувчи органлар томонидан мажбурий тартибда ишлаб чиқувчиларга қайтарилиши шартлиги.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Адлия вазирлиги:

муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишдан олдин манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ҳар томонлама қўриб чиқилишини ташкил этади;

жамоатчилик муҳокамаси жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг асосли эътирозларини келтириб чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича экспертлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситалари иштирокида анжуманларнинг ўтказилишини талаб қилади ҳамда ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларга қайта ишлаш учун қайтаради.

2. Белгилаб қўйилсинки, тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида:

а) 2022 йил 1 январга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 мартда эълон қилинган.



хўжалик юритувчи субъектларга янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензияланадиган фаолият турларини бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига татбиқ қилишни; рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни;

юридик шахслар устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талабларни оширишни;

хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган ҳуқуқларини қисқартириш (камайтириш) ёки уларга қўшимча мажбуриятлар ёхуд қўшимча харажатлар жорий қилишни;

хўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги имтиёз, кафолат, преференцияларни белгилаш, шунингдек, янги ҳуқуқлар, шу жумладан эксклюзив ҳуқуқларни беришни;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб, тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини режалаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнида ҳамда қабул қилингандан кейин тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг уч босқичли тартиби жорий этилиши;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш режаси ҳар йили ишлаб чиқиши ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтганидан кейин 20 мартга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши;

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги (ҳуқуқий мониторинг) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш билан бирга амалга оширилиши ва унинг натижалари тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишда инобатга олинаши;

фуқаро ва юридик шахслар томонидан ўтказилган тартибга солиш таъсирини муқобил баҳолаш натижалари бўйича тайёрланган хулосалар тегишли давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқиши.

Олий суд, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигига судларда кўрилган ишлар материаллари, суд, тергов ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва статистик ҳисобини умумлаштириш натижаларини инобатга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш бўйича таклифларни Адлия вазирлигига киритиш тавсия этилсин.

4. Белгилансинки, Адлия вазирлиги:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-

лари ва бошқа ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш бўйича фаолияти мониторингини олиб боради;

жамоатчилик муҳокамаси жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича келиб тушган, асосли деб топилган таклифларга жавоб қайтарилмаган (кўрмасдан қолдирилган) тақдирда мазкур камчиликларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул ходимлари рўйхатини шакллантиради, уларнинг малака ва кўникмаларини ошириб бориш, шу жумладан улар учун ўқув тадбирларини хорижда ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиб боради ҳамда уларни янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

5. Адлия вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жамоатчиликка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш жараёнини кузатиб бориш имкониятини яратиш ҳамда лойиҳа жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилганлиги ҳақида хабар оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинишини назарда тутган ҳолда такомиллаштиришни таъминласин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш жараёнига фойда ва харажатларни автоматлаштирилган таҳлил қилувчи электрон дастурни жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

б) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 15 апрелга қадар:

алоҳида тасдиқланган режалар асосида давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари учун ушбу қарорга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг моҳияти ва тартибини тушунтириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиб бориш амалиётини жорий этсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг услубиёти, муҳокама иштирокчилари учун сўровномалар ва тегишли ҳисобот шакллари тасдиқласин.

6. Хўжалик бошқаруви органлари ва давлат иштирокидаги корхоналарга 2022 йил 1 январдан бошлаб:

аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатувчи ҳужжатларини (уларнинг лойиҳаларини) тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартибини жорий этиш;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда аҳоли ва тадбиркорлар томонидан кўтарилаётган масалалар таҳлили асосида ҳар йили ўзларининг ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиб бориш ҳамда унинг натижаларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 15 март,  
ПҚ–5025-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 15 мартдаги  
ПҚ–5025-сон қарорига  
ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул  
қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш  
таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишлаб чиқувчи** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказувчи давлат органи ва ташкилоти;

**тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ)** — лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**манфаатдор томонлар** — ўрганилаётган муаммо ёки таклиф этилаётган тартибга солиш доирасига тушадиган жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

**фойда** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши муносабати билан манфаатдор томонлар олиши мумкин бўлган (келган) ҳар қандай шаклдаги фойда ёки даромад;

**харажатлар** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши муносабати билан манфаатдор томонларга етказилиши мумкин бўлган (етказилган) бевосита ва билвосита харажатлар;

**ТСТБ бўйича ҳисобот** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан ўтказилган ТСТБ яқунлари бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланадиган ҳужжат;

**ТСТБ натижалари бўйича хулоса** — ТСТБ бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тегишли соҳага таъсирини баҳолаш яқунлари бўйича хулоса берувчи органлар томонидан тайёрланадиган ҳужжат;

**хулоса берувчи органлар** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда ТСТБ бўйича ҳисоботга тегишлилиги бўйича хулоса берувчи органлар.

3. ТСТБ муаммони, уни ҳал этиш йўллари, тартибга солиш мақсадини таҳлил қилиш орқали лойиҳани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатлар, шу жумладан манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

4. Тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мажбурий тарзда ТСТБдан ўтказилади.

5. Қуйидаги ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ТСТБдан, шу жумладан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмайди:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш, юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича чекловчи тадбирлар (карантин)ни белгилашга қаратилган бўлса;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатда янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар назарда тутилса;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолларда ишлаб чиқувчи лойиҳанинг тушунтириш хатида ТСТБдан ўтказиш рад этилганлигини асослаши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олса, улар ишлаб чиқувчининг ташаббусига ёхуд топшириқ асосида жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилмасдан ТСТБдан ўтказилиши мумкин.

6. Қуйидагилар ТСТБдан ўтказиш учун ахборот манбалари ҳисобланади:

расмий статистик маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

оқибатларни прогнозлаштириш масалалари бўйича илмий-таҳлилий материаллар ва нашрлар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ҳамда йиғилишлар материаллари;

ваколатли ташкилотлар ва ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровларнинг натижалари;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда эълон қилинган нашрлар;

ТСТБдан ўтказиш доирасида давлат органи ва ташкилоти томонидан, шу жумладан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига асосан ҳамда ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан лойиҳалар ишлаб чиқилишидан олдин (режалаштириш вақтида) уларнинг концепцияси ТСТБдан ўтказилиши мумкин.

ТСТБдан ўтказилган лойиҳанинг концепцияси доирасида ишлаб чиқилган лойиҳа такроран ТСТБдан ўтказилмайди, лойиҳада унинг концепциясида назарда тутилмаган тартибга солиш воситаларини жорий этилиши белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ТСТБдан ўтказиш ушбу Низомга мувофиқ тасдиқландиган услубиёт асосида амалга оширилади.

9. Давлат органлари ва ташкилотларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш учун ҳуқуқшунос, иқтисодчи, давлат органларида фаолият юритаётган эксперт-таҳлил гуруҳлари вакиллари ҳамда ТСТБга масъул этиб белгиланган ходимлардан иборат ТСТБ бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинади.

Давлат органлари ва ташкилотларида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки

унинг лойиҳасини ТСТБдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ҳамда ТСТБ бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштириш давлат органи ва ташкилотларида ТСТБга масъул этиб белгиланган ходимлар томонидан амалга оширилади.

## **2-боб. Лойиҳаларни ТСТБдан ўтказиш тартиби**

### **1-§. Лойиҳани ва ТСТБ бўйича ҳисоботни ишлаб чиқиш, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда вазирликлар ва идоралар билан келишиш**

10. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган лойиҳалар ишлаб чиқилганда, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ТСТБ бўйича ҳисобот тайёрланади ҳамда ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзоси билан расмийлаштирилади.

11. ТСТБ бўйича ҳисоботда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ечими сифатида ТСТБдан ўтказиш таклиф этилаётган муаммо тавсифи, тартибга солиш бўйича чора кўрмаслик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар таҳлили;

таклиф этилаётган тартибга солишнинг мақсади, аниқланган муаммони ҳал қилиш ва белгиланган мақсадларга эришиш учун танланган усулни қўллаш мақсадга мувофиқлиги ва афзалликлари тавсифи;

муаммони ҳал қилиш учун мумкин бўлган муқобил усуллар таҳлили;

таклиф этилаётган лойиҳа манфаатларига таъсир кўрсатадиган субъектлар тўғрисида маълумотлар;

манфаатдор томонлар учун лойиҳани қабул қилиш ва уни амалга оширишдан олинadиган фойда ва (ёки) юзага келадиган харажатларни миқдорий ҳисоблаш йўли билан амалга оширилган таҳлил ва таққослаш натижалари;

таклиф этилаётган тартибга солиш усулининг тегишли соҳага таъсири ва уни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар хавфи;

тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ташкилий, техник, методик, ахборот ва бошқа тадбирлар;

лойиҳанинг кутилаётган кучга кириш санаси;

ТСТБдан ўтказиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар.

12. ТСТБ бўйича ҳисоботда лойиҳа таъсиридан келиб чиқадиган оқибатнинг (ижобий, салбий ёки бетараф) аниқ тавсифи акс эттирилади.

13. Лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисобот ишлаб чиқувчи томонидан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz))га (кейинги ўринларда — портал) жойлаштирилиши орқали ўзи белгиланган, лекин 15 кундан кам бўлмаган муддатда мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

14. Лойиҳа бўйича асосланган таклифлар жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари томонидан порталнинг техник имкониятларидан фойдаланган ҳолда ихтиёрий шаклда тақдим этилади.

15. Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари ҳамда бошқа ташкилотлар ва фуқаролар томонидан лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини муқобил баҳолаш амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари томонидан ўтказилган лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини муқобил баҳолаш натижалари бўйича тайёрланган хулосалар тегишли давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади.

16. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси давомида муайян соҳада тартибга солувчи воситалар жорий этилиши мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини баҳолаш мақсадида лойиҳани, ТСТБ бўйича ҳисоботни ва бошқа зарур маълумотларни манфаатдор томонлар, шу жумладан илмий доиралар вакиллари ҳамда хорижий экспертлар билан муҳокама қилиши мумкин.

17. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари ҳамда манфаатдор томонлар томонидан тақдим этилган таклифларни умумлаштирилади ва уларни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ асосланган маълумотни ҳамда мазкур таклифлар асосида қайта ишланган лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисоботни лойиҳа муҳокамаси муддати якунлангандан сўнг 5 кундан кўп бўлмаган муддатда порталга жойлаштирилади.

Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш якунлари бўйича маълумотнома ТСТБ ўтказишнинг барча жараёнларида ТСТБ бўйича ҳисоботга илова қилинади.

18. Жамоатчилик муҳокамаси асосида лойиҳани қайта ишлашда лойиҳа матни жамоатчилик муҳокамасига киритилганидан тубдан фарқ қилса, хусусан, унинг концептуал қоидалари ўзгартирилган тақдирда, лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига такроран киритилади.

19. Ишлаб чиқувчи ўз ташаббуси билан ёки Адлия вазирлиги талабига мувофиқ жамоатчилик муҳокамаси давомида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган ёки аҳолининг асосли эътирозларини келтириб чиқарган лойиҳа бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун ушбу лойиҳанинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тushунтириш бўйича матбуот анжуманлари ва брифингларни ўтказилади.

20. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш муддати давомида лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисоботни манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш учун Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига жойлаштирилади.

21. Лойиҳаларни манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

## **2-§. Лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисоботни хулоса берувчи органлар билан келишиш**

22. Жамоатчилик муҳокамаси ва идоралараро келишув якунлари бўйича қайта ишланган лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисобот, шунингдек, ТСТБ юза-

сидан хулоса бериш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар тегишли соҳага таъсирини баҳолашни ўрганиш учун хулоса берувчи органларга тақдим этилади.

23. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва ТСТБ бўйича ҳисобот:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан рақобатга таъсири;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитга таъсири жиҳатидан ўрганилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсирини ўрганиш тегишли соҳада давлат сиёсатини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан келишиш жараёнида амалга оширилади.

Мазкур бандда назарда тутилган давлат органларининг ҳудудий тузилмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳалари бўйича хулоса беради.

Хулоса берувчи органлар заруратга кўра, лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисоботни ўзаро муҳокама қилиш орқали биргаликда келишилган хулоса тайёрлашлари мумкин.

24. Хулоса берувчи органлар ТСТБ бўйича ҳисоботни ўрганиш жараёнида ишлаб чиқувчидан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

25. ТСТБ натижалари бўйича хулоса берувчи органлар томонидан 10 кун муддат мобайнида лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги, қайта кўриб чиқиш лозимлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса расмийлаштирилади ва хулоса берувчи органларнинг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан имзоланган ҳолда ишлаб чиқувчига тақдим этилади.

### **3-§. Лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисоботни Адлия вазирлигига киритиш**

26. Жамоатчилик муҳокамаси ва идоралараро келишувдан ўтказилгандан ҳамда ТСТБ натижалари бўйича хулосалар олингандан сўнг қайта ишланган лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисобот, шунингдек, ТСТБ натижалари бўйича хулоса ва бошқа зарур материаллар, уларни белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда амалга оширилган ТСТБ сифатини ўрганиш учун ишлаб чиқувчи томонидан Адлия вазирлигига киритилади.

27. Лойиҳа ва ТСТБ бўйича ҳисобот хулоса берувчи органларнинг ТСТБ натижалари бўйича хулосалари мавжуд бўлгандагина Адлия вазирлигига киритилади.

28. Адлия вазирлиги ишлаб чиқувчи томонидан ТСТБ ўтказиш жараёнида ушбу Низом талабларига риоя этилганлигини, лойиҳада манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва



чекловлар мавжудлиги, муаммо таклиф этилаётган тартибга солиш усули билан ҳал этилишининг асослилигини ўрганеди.

29. Адлия вазирлиги ишлаб чиқувчи томонидан ТСТБ жараёнлари ушбу Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда ўтказилганлигини аниқлаган тақдирда, ТСТБдан ўтказиш жараёнларида йўл қўйилган камчиликларни бар-тараф этиш, шунингдек, қўшимча ўрганишларни амалга ошириш учун аниқ муддатни белгилаган ҳолда лойиҳа, ТСТБ бўйича ҳисобот ва ТСТБ натижалари бўйича хулосаларни ишлаб чиқувчига қайтаради.

30. Ишлаб чиқувчи томонидан ТСТБ ўтказиш жараёнлари ушбу Низом талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилган тақдирда, Адлия вазирлиги лойиҳада манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, муаммо таклиф этилаётган тартибга солиш усули билан ҳал этилишининг асосли ёки асосли эмаслигини назарда тутувчи лойиҳани қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилади.

31. Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритишда унга ТСТБ бўйича ҳисобот, хулоса берувчи органлар ва Адлия вазирлигининг хулосалари илова қилинади.

### **3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш тартиби**

#### **1-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

32. Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ТСТБдан ўтказилади: лойиҳаси ишлаб чиқилишида ТСТБдан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳолатларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ТСТБдан ўтказилгандан сўнг камида бир йилдан кейин такроран ТСТБдан ўтказилиши мумкин.

33. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ТСТБ ишлаб чиқувчи ёки давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш режасига (кейинги ўринларда — ТСТБдан ўтказиш режаси) мувофиқ амалга оширилади.

34. ТСТБдан ўтказиш режасида қуйидагилар акс эттирилади:

ТСТБ ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номи ва реквизитлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ТСТБдан ўтказиш учун асослар;

ТСТБни ўтказиш учун масъул давлат органи;

ТСТБни ўтказиш муддати.

35. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 1 февралга қадар Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ТСТБдан ўтказиш режаси лойиҳасига таклифларни шакллантиради ва биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзоси билан Адлия вазирлигига тақдим этади.

36. Адлия вазирлиги ҳар йили 10 февралга қадар давлат органлари ва ташкилотлари таклифлари асосида ТСТБдан ўтказиш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун 10 кун муддатга порталга жойлаштиради.

37. Адлия вазирлиги жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни умумлаштиради ва уларни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида асосланган маълумотни ҳамда мазкур таклифлар асосида қайта ишланган ТСТБдан ўтказиш режасини ҳар йили 1 мартга қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

38. ТСТБдан ўтказиш режаси ҳар йили 20 мартга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ТСТБдан ўтказиш режасини порталга жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлайди.

39. Давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон қарори ижроси доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги (ҳуқуқий мониторинг) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш билан бирга амалга оширилади ва унинг натижалари ТСТБдан ўтказишда инобатга олинади.

## **2-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш**

40. Ишлаб чиқувчи ТСТБдан ўтказиш режасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш ва натижаси бўйича Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ТСТБ бўйича ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзоси билан расмийлаштиради.

41. ТСТБ бўйича ҳисоботда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши шарт:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури, номи ва реквизитлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганда тайёрланган ТСТБ бўйича ҳисобот ва ТСТБ натижалари бўйича хулосалар (мавжуд бўлса);

тартибга солишнинг мақсадларига эришилганлиги ва самарадорлиги тўғрисида маълумотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усулини қўллашда юзага келган ижобий ва салбий оқибатлар таҳлили;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат манфаатларига таъсир кўрсатган субъектлар тўғрисида маълумотлар;

манфаатдор томонлар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши муносабати билан келтирилган фойда ва (ёки) юзага келган харажатларнинг миқдорий ҳисоблаш йўли билан амалга оширилган таҳлили ва таққослаш натижалари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усуллари аналитика қилиши мақсадга мувофиқлиги ёки уларни бекор қилиш зарурлиги тўғрисида хулоса;

бошқа маълумотлар.

42. ТСТБ бўйича ҳисоботда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши муносабати билан келиб чиққан оқибатнинг ижобий, салбий ёки бета-раф таъсирининг аниқ тавсифи акс этирилади.

43. ТСТБ бўйича ҳисобот ишлаб чиқувчи томонидан порталга жойлаштирилиши орқали 10 кун муддатда мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

44. Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини муқобил баҳолаш амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари томонидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини муқобил баҳолаш натижалари бўйича тайёрланган хулосалар тегишли давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади.

45. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси давомида муайян соҳада тартибга солувчи воситалар жорий этилганлигининг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини баҳолаш мақсадида ТСТБ бўйича ҳисоботни манфаатдор томонлар билан муҳокама қилиши мумкин.

46. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари ва манфаатдор томонлар томонидан тақдим этилган таклифларни умумлаштиради ва уларни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ асосланган маълумотни ҳамда мазкур таклифлар асосида қайта ишланган ТСТБ бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамаси муддати якунлангандан сўнг 5 кундан кўп бўлмаган муддатда порталга жойлаштиради.

Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш якунлари бўйича маълумотнома ТСТБ ўтказиш барча жараёнларида ТСТБ бўйича ҳисоботга илова қилинади.

### **3-§. ТСТБ бўйича ҳисоботни хулоса берувчи органлар билан келишиш**

47. Жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича қайта ишланган ТСТБ

бўйича ҳисобот тегишли соҳага таъсирини баҳолашни ўрганиш учун хулоса берувчи органларга тақдим этилади.

48. ТСТБ бўйича ҳисобот:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан рақобат муҳитига таъсири;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитга таъсири;

тегишли соҳада давлат сиёсатини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсири жихатидан ўрганилади.

Мазкур бандда назарда тутилган давлат органларининг ҳудудий тузилмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилинган қарорлари бўйича хулоса беради.

Хулоса берувчи органлар заруратга кўра, ТСТБ бўйича ҳисоботни ўзаро муҳокама қилиш орқали биргаликда келишилган хулоса тайёрлашлари мумкин.

49. Хулоса берувчи органлар ТСТБ бўйича ҳисоботни ўрганиш жараёнида ишлаб чиқувчидан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

50. ТСТБ натижалари бўйича хулоса берувчи органлар томонидан 10 кун муддатда ТСТБ натижалари тўғрисида хулосалар расмийлаштирилади ва хулоса берувчи органларнинг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан имзоланган ҳолда ишлаб чиқувчига тақдим этилади.

#### **4-§. ТСТБ бўйича ҳисоботни Адлия вазирлигига киритиш**

51. Жамоатчилик муҳокамаси ўтказилгандан ва ТСТБ натижалари бўйича хулосалар олингандан сўнг қайта ишланган ТСТБ бўйича ҳисобот ТСТБ сифатини ўрганиш учун Адлия вазирлигига киритилади.

52. Адлия вазирлиги ишлаб чиқувчи томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилганлигини, тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усулини қўллашда юзага келган ижобий ва салбий оқибатларни, манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар юзага келганлиги (келмаганлиги)ни ўрганади.

53. Адлия вазирлиги ишлаб чиқувчи томонидан ТСТБ жараёнлари ушбу Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда ўтказилганлигини аниқлаган тақдирда, ТСТБдан ўтказиш жараёнларида йўл қўйилган камчиликларни бар-тараф этиш, шунингдек, қўшимча ўрганишларни амалга ошириш учун аниқ муддатни белгилаган ҳолда ТСТБ бўйича ҳисобот ва хулосаларни ишлаб чиқувчига қайтаради.

54. Ишлаб чикувчи томонидан ТСТБ бўйича ҳисобот ушбу Низом талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда тайёрланган тақдирда, Адлия вазирлиги 10 кун муддатда тартибга солиш мақсадларига эришилганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усулини қўллашда юзага келган ижобий ва салбий оқибатлар, манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар юзага келганлиги (келмаганлиги) тўғрисида хулоса тайёрлайди ва ишлаб чикувчига тақдим этади.

#### **5-§. ТСТБ натижалари бўйича якуний маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритиш**

55. Адлия вазирлиги ТСТБдан ўтказиш режасига мувофиқ, қоида тариқасида, ҳар чоракда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ТСТБдан ўтказилиши ҳолатини таҳлил қилади ва унинг натижалари бўйича ТСТБдан ўтказиш режасининг бажарилиши ҳолати, ТСТБ бўйича ҳисоботларнинг умумлашмаси ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни (мавжуд бўлса) назарда тутувчи ахборот-таҳлилий маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

56. Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлилий маълумотни кўриб чиқиш якунлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш натижаларини амалга оширишга қаратилган «йўл харитаси»ни тасдиқлайди ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ёки алоҳида нормаларини ўзгартириш тўғрисида тақлифларни Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш дастурига ёки қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларига киритиш чораларини кўради.

#### **4-боб. ТСТБ ўтказилишини назорат қилиш**

57. ТСТБ ўтказиш жараёнлари ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилишини назорат қилиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

58. Адлия вазирлиги тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган сифатида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш бўйича фаолияти мониторингини олиб боради;

жамоатчилик муҳокамаси жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича келиб

тушган, асосли деб топилган таклифларга жавоб қайтарилмаган (кўрмасдан қолдирилган) тақдирда мазкур камчиликларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул ходимлари рўйхатини шакллантиради, уларнинг малака ва кўникмаларини ошириб бориш, шу жумладан улар учун ўқув тадбирларини хорижда ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиб боради ҳамда уларни янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

59. Адлия вазирлиги ҳар йили мамлакатда ТСТБ тизимининг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлаб, уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

60. ТСТБдан ўтказиш жараёнларига илмий-таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, чет эллик мутахассислар, шунингдек, амалиётчи-мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

61. ТСТБдан ўтказаетган давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва ТСТБга масъул ходимлари амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳамда тақдим этилган маълумот, ҳисобот ва хулосаларнинг асосланганлиги ва сифати учун жавобгар ҳисобланади.

62. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**110 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида\***

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2020 йил 27 октябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган қуйидаги халқаро шартномалар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида молиявий кўмакни амалга ошириш тўғрисидаги Баённома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мазкур халқаро шартномаларни амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркия Республикаси томонига ушбу халқаро шартномаларнинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 17 март,  
ПҚ-5030-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**111 Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда товарларни сотиш жараёнларига бозор тамойилларининг фаол жорий қилиниши яширин иқтисодиётнинг қисқаришига, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига ҳақиқий нархларнинг шаклланишига ва солиқ базасининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, биржа савдоларида «форвард» шартномаларининг жорий қилиниши ижтимоий аҳамиятга эга асосий маҳсулотлар нарх-наволари кескин ўсишидан ҳимояланиш, бозорда талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг бўш маблағларидан самарали фойдаланиш имконини яратди.

Шу билан бирга, биржа савдоларида фаол иштирок этаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва юқори ликвидли ёки монопол товарларни сотиш амалиётига бозор механизмларини кенг қўллашни давом эттириш, биржа савдоларига замонавий товар деривативларини, шу жумладан фьючерс шартномаларини жорий этиш бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Нохалол тадбиркорлик субъектлари томонидан ички бозорда юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг нархларини сунъий оширишга, танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик, тақсимлаш тизими элементларини тугатиш ҳамда биржа савдоларини янада фаоллаштириш мақсадида:

1. 2021 йил 15 июндан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ қуйидаги товарлар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида реализация қилинади:

а) монополист корхоналар ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс (кейинги ўринларда — монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар) томонидан ишлаб чиқарилган:

поливинилхлорид (ПВХ) ва формалин — барча харидорларга;

истеъмол этил спирти — ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тегишли лицензия ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларга;

техник этил спирти — барча харидорларга;

кумуш — заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга;

б) 2022 йил 1 январга қадар монополист бўлмаган ва (ёки) устав фон-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 мартда эълон қилинган.



ди (капитали)да давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ёки давлат улуши мавжуд бўлмаган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилган:

цемент — ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50 фоизи;

пахтадан олинган чигит, пахта мойи (жумладан, экстракция пахта мойи) ва қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) — ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 фоизи;

в) ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қазиб олувчи (газни қайта ишловчи, ишлаб чиқарувчи) ташкилотлар томонидан нефть ва газ конденсати — тегишли лицензия ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларга.

2. Белгилаб қўйилсинки, товар-хом ашё биржаларининг хориждаги савдо майдончаларида тузилган битимлари бўйича товарларнинг божхона қийматини аниқлаш фақат мазкур битимларда белгиланган қиймат бўйича амалга оширилади.

Давлат божхона қўмитаси «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банднинг ижросини таъминлаш учун ўзаро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари интеграциясини ҳамда маълумот алмашинувини йўлга қўйсин.

3. Монополияга қарши курашиш қўмитасига ички бозорда нархларнинг сунъий равишда ошиб кетиши ва бозордаги бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, зарур ҳолларда:

биржа савдоларининг бир савдо сессиясида бир харидор томонидан харид қилинадиган маҳсулот ҳажмларининг максимал миқдорини (лимитини) белгилаш ҳамда талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ушбу ҳажмларга ўзгартириш киритиш;

юқори ликвидли, шу жумладан мавсумийлик талабдан келиб чиққан ҳолда талаб ошадиган товарларни фақат товар-хом ашё биржалари орқали сотиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш ваколоти берилсин.

Бунда, ушбу кўрсатмалар берилган ташкилотларга ҳамда мазкур қарорнинг 1-банди «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган ташкилотларга биржа савдоларида юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари ҳамда рақобат тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар қўлланилади.

4. Монополияга қарши курашиш қўмитаси мунтазам равишда талаб юқори бўлган, шу жумладан мавсумийлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талаб ошадиган товарлар бўйича таҳлил ўтказиб, уларнинг биржа савдоларига қўйиб борилишини таъминласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2022 йил 1 январдан бошлаб пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперациялар томонидан пахтадан олинган чигитни тайёр маҳсулотни қайтариш шарти асосида ёф-мой ташкилотларига бериш фақат бир пахта-тўқимачилик кластери доирасидаги ташкилотлар ўртасида амалга оширилади;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб монопол ва давлат иштирокидаги таш-

килотлар томонидан биржа савдоларида сотилаётган маҳсулотларни авто-транспортда ташиш хизматлари фақат электрон логистика савдо портали орқали аукцион тартибда амалга оширилади. Бунда, электрон логистика савдо портали орқали ташиш хизматлари:

харидорларнинг ўз автотранспортида амалга оширилган тақдирда рўйхатга қўйиш;

харидорларга аффилиланган ташиш хизматини кўрсатувчи корхоналар томонидан эса тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

6. Товар-хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК, «Ўзметкомбинат» АЖ ҳамда «Тошкент металлургия заводи» МЧЖ билан биргаликда силлиқланган ойна ҳамда пўлат лист ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш чораларини кўриш ҳамда мазкур товарларни биржа савдоларига қўйиш ҳажмларини оширишга қаратилган чораларни амалга ошириб борсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси товар-хом ашё биржалари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг ёритиш ва тарғиб қилишга қаратилган медиарежани тасдиқласин ва унинг ижросини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

10. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 17 март,  
ПҚ–5031-сон

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 17 мартдаги  
ПҚ-5031-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъ-молчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизоми-ни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3386-сон қарорига илованинг рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«ПЕРЕЧЕНЬ**

**высоколиквидных и (или) монопольных видов продукции,  
сырья и материалов, реализуемых на внутреннем рынке  
предприятиями-монополистами и (или) юридическими лицами  
с долей государства в уставном фонде (капитале) в размере  
50 процентов и более или юридическими лицами, в уставном  
фонде (капитале) которых 50 процентов и более принадлежит  
юридическому лицу с долей государства 50 процентов и  
более, на основе рыночных принципов, исключительно  
через биржевые торги**

1. Бензин автомобильный
2. Бензин экстракционный
3. Дизельное топливо
4. Керосин технический
5. Нефть
6. Газовый конденсат
7. Полипропилен
8. Полиэтилен
9. Поливинилхлорид (ПВХ)
10. Формалин
11. Сера техническая
12. Уголь
13. Минеральные удобрения
14. Сода кальцинированная
15. Медь катодная
16. Медная катанка
17. Алюминий вторичный
18. Прокат черных металлов

19. Прокат черных металлов
20. Цемент
21. Цементный клинкер
22. Стекло строительное
23. Сахар
24. Спирт этиловый
25. Пшеница
26. Ячмень
27. Хлопок-волокно
28. Хлопковый линт
29. Масло растительное (хлопковое)\*
30. Масло экстракционное (хлопковое)\*
31. Шелуха хлопковых семян\*
32. Шрот хлопковых семян\*
33. Технические хлопковые семена\*
34. Технические масла
35. Печное топливо
36. Мука пшеничная
37. Комбикорма
38. Топочный мазут
39. Сжиженный газ
40. Хозяйственное мыло
41. Нефтяной растворитель
42. Нефтяной парафин
43. Нефтяной битум
44. Медный купорос
45. Серебро\*\*

*Примечание:*

*Товары, указанные в настоящем перечне, реализуются с учетом пункта 2 постановления Президента Республики Узбекистан от 17 января 2018 года № ПП-3479 «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья».*

*\* Товары, указанные в пунктах 29 — 33, реализуются на внутреннем рынке юридическими лицами вне зависимости от их организационно-правовой формы на основе рыночных принципов исключительно через биржевые торги.*

*\*\*Товар, указанный в пункте 45 реализуется АО «НГМК» исключительно через биржевые торги.».*

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4126-сон қарорининг 6-банди қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали оператори — «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖнинг давлат харидлари тизимидаги хизматларни кўрсатиш учун олинадиган комиссия йиғимларидан тушган маблағларнинг 20 фоизи».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **112 Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Бир неча асрлар давомида аниқ ва табиий фанлар Ўзбекистон заминидан кенг ривожланиб, Ўрта Осиё ҳудуди дунё интеллектуал маркази бўлиб келган. Юртимиз ҳудудида юзага келган биринчи ва иккинчи Ренессанс даври бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Абу Али ибн Сино, Насриддин Тусий, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва Шарқнинг бошқа олимлари илмий тадқиқотлари жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшди.

Буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда физика фанини ривожлантириш жараёнида нуфузли илмий мактаблар ташкил этилди, уларнинг вакиллари халқаро мукофотларга сазовор бўлди ва хорижий академиялар аъзолари бўлиб сайланди. Энг муҳим илмий йўналишларни шакллантиришда Фанлар академиясининг таниқли илмий мактаблар яратган атоқли физиклари муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз физика мактаби қаттиқ жисмлар физикаси, атом ядроси физикаси, ярим ўтказгичлар физикаси, лазер физикаси ва иссиқлик физикаси соҳаларида жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшди.

Бугунги кунда таълим муассасаларида физика фанини ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини жорий қилиш, иқтидорли ўқувчиларни саралаш, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда амалий натижадорликка йўналтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ечимини топмаган қатор масалалар физика

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 мартда эълон қилинган.

соҳасидаги таълим сифати ва илмий тадқиқот самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Жумладан:

биринчидан, ёшларнинг физика фанига қизиқишларини кучайтиришга етарли эътибор берилмаяпти, таълим дастурлари ўқувчиларда мустақил, креатив фикрлашни шакллантиришга ва ривожлантиришга қаратилмаган, таълим сифатини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермайди;

иккинчидан, таълим жараёнини ташкил этишда умумий ўрта ва олий таълим дастурларининг узвийлиги таъминланмаган;

учинчидан, педагог кадрларнинг касбий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида уларни хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда таълим олиши ҳамда стажировкадан ўтиши учун қулай шароитлар яратилмаган, хорижлик етакчи мутахассис, олим ва ўқитувчиларни дарс жараёнига жалб этиш даражаси пастлигича қолмоқда;

тўртинчидан, физика фани бўйича замонавий дарсликларни яратиш яхши йўлга қўйилмаган, ўқув адабиётларининг мазмуни фан ва техника тараққиётининг бугунги даражасини етарли қамраб олмаган, масалалар тўплами, практикум, лаборатория ишларини бажариш бўйича қўлланмалар, мультимедиа дастурларини яратишга эътибор қаратилмаган;

бешинчидан, физика таълими ва тадқиқотлари инфратузилмасининг моддий-техник базаси эскирганлиги, физика фани бўйича ўқув ва илмий лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги кадрлар тайёрлаш сифатига ва тадқиқотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, физика ихтисосликлари бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш салмоғининг камлиги бу соҳадаги илмий салоҳиятнинг пастлигига сабаб бўлмоқда;

еттинчидан, илмий тадқиқотлар ва инновациялар кўлами етарли даражада натижадорликка йўналтирилмаган, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ишлаб чиқариш корхоналари муаммоларига қаратилмаганлиги натижасида соҳада инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш кўрсаткичлари талабга жавоб бермайди.

Физика фани бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, юқори малакали педагог ва илмий ходимларни тайёрлаш, таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, илмий ташкилотларнинг салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 — 2023 йилларда физика фанлари бўйича таълим сифатини ошириш ва физика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг натижадорлигини

таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Комплекс дастур) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Комплекс дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгилансин:

умумтаълим муассасаларида физика фанини ўқитиш сифатини ошириш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш;

физика фани бўйича кадрларни, хусусан, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш;

педагог кадрлар ва ўқувчиларнинг физика фанини билиш даражасини баҳолаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг маҳаллий ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиши ҳамда совринли ўринлар эгаллашини таъминлаш;

олий таълим муассасаларида физика фанларини ўқитишнинг интегратив принципларини жорий этиш, янги ва таълим бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш орқали ёшларнинг физика таълими билан қамраб олиш даражасини ошириш;

физика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларидаги муаммолар ечимига қаратилган илмий ишлар қўламини кенгайтириш;

илмий тадқиқотларнинг ва инновация ишларининг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини ошириш.

## 2. Қуйидагилар:

2021-2022 йилларда босқичма-босқич республика ҳудудларида ташкил этиладиган физика фанига ихтисослаштирилган 28 та таянч мактаби ва уларга бириктирилган олий таълим муассасаларининг кафедралари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда физика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этиладиган 175 та мактаб ва уларга бириктирилган олий таълим муассасаларининг кафедралари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда физика фанига ихтисослаштирилган таянч мактаблари ва физика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этиладиган мактабларнинг физика фани бўйича синф хоналари ва лабораторияларини мебель, ўқув лабораторияси асбоб-ускуналари ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш дастури 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган мактабларнинг физика фани бўйича синф хоналари ва лабораторияларини мебель, ўқув лабораторияси асбоб-ускуналари ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари,

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022-2023 йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтисослаштирилган мактабларнинг бошқа фанлар бўйича синф хоналари ва лабораторияларини (физика фанидан ташқари) мебель, ўқув лабораторияси асбоб-ускуналари ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш мақсадида қўшимча маблағларни ажратиб борсин.

### 3. Қуйидагиларга:

Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати зиммасига — физика фанига ихтисослаштирилган таянч мактаблари ва физика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этиладиган мактаблар (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган мактаблар) учун методик кўмак кўрсатиш, физика фани бўйича малака ошириш курслари учун таълим дастурлари ва мультимедиа материалларини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасалари зиммасига — ўзига бириктирилган ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёни сифатини ошириш, профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни таълим жараёнига жалб қилиш, маҳорат дарслари, тўғараклар ва ёзги мактабларни ташкил этиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

### 4. Халқ таълими вазирлиги:

#### а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

умумий ўрта таълим муассасаларида физика фани кенгроқ ўқитиладиган вариатив ўқув режасини жорий қилсин;

ихтисослаштирилган мактабларда физика фани таянч ўқув режада белгиланган ўқув соатлар доирасида ҳафтасига 3 соатдан ўқитилишини таъминласин;

б) 2021 йил 1 октябрга қадар физика фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув модулларини ишлаб чиқсин, улар бўйича видеодарсларни тайёрласин ва фойдаланиш учун «Узлуксиз касбий таълим» маҳсус электрон платформасига жойлаштирасин;

в) ихтисослашган мактабларнинг ўқув лабораторияларидан унумли фойдаланиш мақсадида ушбу мактабларда мактабдан ташқари «Амалий физика» тўғаракларини ташкил қилсин ҳамда уларнинг фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш чораларини кўрсин;

г) 2022 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги биттадан «Баркамол авлод» болалар мактабларида «STEM» физика клубларини ташкил этсин, клуб аъзолари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари ўқувчилари ўртасида ҳар йили «Миллий физика» мусобақасини ўтказиб борсин.

5. Халқ таълими вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академияси ва Молия вазирлиги билан биргаликда:

физика фанини ўқитиш усулларини такомиллаштириш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, тажриба-синов тариқасида 20 та умумтаълим



муассасасида «виртуал лаборатория» лойиҳасини таълим жараёнига татбиқ этиш чораларини кўрсин;

тажриба натижаларидан келиб чиқиб, 2022 йил 1 июнга қадар «виртуал лаборатория»ларни бошқа умумтаълим муассасаларнинг таълим жараёнига жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

6. Давлат тест маркази ва Халқ таълими вазирлиги 2022 йил 1 январга қадар физика фанидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини жорий қилсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб ихтисослаштирилган мактабларнинг физика фани бўйича миллий сертификатлаш тизимида максимал баллнинг 70 ва ундан юқори фоизини тўплаган физика фани ўқитувчиларига базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик устама ҳақи 50 фоиз миқдорида тўланади.

7. Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев Фарғона вилояти хокимлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил ноябрь ойида Фарғона вилоятида буюк мутафаккир Аҳмад ал-Фарғоний номидаги физика фанидан халқаро олимпиадани юқори савияда ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларининг «Физика», «Биотиббиёт физикаси», «Физика ва астрономия» каби бакалаврият таълим йўналиши талабалари ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадаси ғолиблари ва физика бўйича нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари физика мутахассисликлари бўйича қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида магистратурага ўқишга қабул қилинади;

б) олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

физика фанлари бўйича халқаро ва республика олимпиадалари ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларга ойлик маошининг 100 фоизи миқдорида бир марталик пул мукофоти;

физика фанлари бўйича талабалар учун тўғараклар олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига 25 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

9. Қуйидагилар:

Вазирлик, хўжалик бирлашмалари ва ишлаб чиқариш корхоналарига физика йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда олий таълим муассасаларини бириктириш рўйхати 5-иловага\* мувофиқ;

физика фанлари бўйича юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида ҳудудларда ташкил этиладиган олий таълим муассасалариаро илмий-ўқув марказлари рўйхати 6-иловага\* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда физика фани бўйича ўқув лабораториялари

---

\* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

замонавий жиҳозлар билан таъминланадиган олий таълим муассасалари рўйхати 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларида физика фани бўйича ўқув лабораторияси жиҳозларини харид қилиш ҳамда ҳудудларда олий таълим муассасалариаро илмий-ўқув марказларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш фойдаланувчи олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, хорижий грантлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

ҳудудлардаги олий таълим муассасалариаро илмий-ўқув марказларининг лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва эксплуатация қилиш, бутловчи буюмлар ва сарфланадиган материаллар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш буюртмачи олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ҳўжалик бирлашмалари ва ишлаб чиқариш корхоналари зиммасига ўзига бириктирилган илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасаларида физика йўналишида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига эришиш, соҳа мутахассислари раҳбарлигида амалиётларни ўташ, илмий иш натижаларини амалиётга татиқ этишга қўмаклашиш ва тижоратлаштириш, педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкага юборишни ташкил этиш юзасидан жавобгарлик юкланади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида физика фанларини соҳаларга мослаштирилган ҳолда ўқитишни йўлга қўйсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар ёшлар ўртасида физика фанларига бўлган қизиқишни ошириш, уларнинг физика, электроника соҳасидаги иқтидорини ривожлантиришга қаратилган «Ёш физиклар портали»ни ишга туширсин;

2022 йил 1 июнга қадар олий таълим муассасалари тасарруфидаги академик лицейларнинг физика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган таълим йўналишлари учун такомиллаштирилган дастурлар асосида янги дарслик ва муқобил адабиётлар яратиш, моддий-техник, лаборатория ва ўқув-методик таъминотини, шу жумладан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан янгилаш бўйича зарур чораларни кўрсин;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда физика соҳалари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Самарқанд давлат университети тузилмасида физика соҳалари бўйича кадрлар тайёрловчи «Самарқанд давлат университетининг муҳандислик физикаси институти»ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Фанлар академияси ҳузуридаги Ядро физикаси институти ва Ион-плаз-

---

\* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ма ва лазер технологиялари институтига физика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш ваколати тақдим этилсин.

13. Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб олий таълим ва илмий ташкилотлар буюртмасига мувофиқ физика йўналиши бўйича докторантурага қабул параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш;

2021 йилда «Бўлажак олим» танлови доирасида содалаштирилган механизм орқали космонавтика ва аэродинамика соҳаларини ривожлантиришга қаратилган стартап лойиҳаларни молиялаштириш чораларини кўрсин.

14. Фанлар академиясининг:

Фанлар академияси ҳузуридаги Физика-техника институти тузилмасида электротехника соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини ўрганиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган тажриба ишлаб чиқариш ва конструкторлик бюросини ташкил этиш;

Фанлар академияси тизимига кирувчи физика йўналишидаги илмий ташкилотларда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган маркетинг ва тижоратлаштириш бўлимларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

15. Қўйидагилар:

2021 — 2023 йилларда физика йўналишидаги илмий ташкилотларни илмий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш дастури (кейинги ўринларда — Жиҳозлаш дастури) 8-иловага\* мувофиқ;

2021-2022 йилларда физика йўналишида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича янги илмий ишланмалар (технологиялар, маҳсулотлар) яратиш дастури 9-иловага\* мувофиқ;

Физика йўналишидаги илмий ташкилотларнинг илмий ишланмаларини тижоратлаштириш бўйича «Йўл харита»си 10-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда физика йўналишида фаолият олиб бораётган илмий ходимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарига докторантура ва стажировкага юбориш режа-графиги 11-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Белгилансинки:

Жиҳозлаш дастури доирасида илмий лаборатория асбоб-ускуналарини харид қилиш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

мазкур қарорга 11-иловага мувофиқ физика йўналишидаги илмий хо-

---

\* 8 — 11-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

димларни докторантура ва стажировкага юбориш қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда иштирокчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

17. Физика йўналишида фаолият кўрсатаётган таълим ва илмий ташкилотлар, олимлар, ўқитувчилар ва физика ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг Ўзбекистон физиклар кенгашини (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин ва қуйидагилар Кенгашнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

физика соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантиришга оид долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни кенг жамоатчилик иштирокида, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали муҳокама қилиш ва илмий ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

физика йўналишидаги таълим ва илмий ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, Кенгаш аъзоларининг ижодий фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

физика фани бўйича таълим сифатини ошириш, ўқув дастурлари ва дарсликларни такомиллаштириш, замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, Кенгаш аъзоларига физика йўналишидаги тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда кўмаклашиш;

масъул вазирлик ва идораларнинг физика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

физика фанини ривожлантиришга қаратилган электрон платформалар яратиш, конференция, симпозиум, семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш, физика фани намояндалари номидаги стипендияларни таъсис этиш, ўқувчи ва талабалар ўртасида олимпиадалар ҳамда энг яхши илмий ишлар танловларини ўтказиш;

физика йўналишида фаолият олиб бораётган хорижий таълим муассасалари, илмий жамият ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилишга кўмаклашиш.

18. Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш томонидан тайёрланган таклифлар тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда давлат таълим ва илмий ташкилотлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, улар Кенгашга вазифа-

ларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак беради, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб боради.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Кенгашга фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам кўрсатсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2789-сон қарорига 12-иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

20. Инновацион ривожланиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорни самарали амалга ошириш ва унда белгиланган якуний натижаларга эришиш учун:

халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори Х.Ў. Умаровага — ҳудудларда ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш, ёшлар селекциясини таъминлаш, физика фанини ўқитиш сифатини ошириш, дарсликларни содда ва тушунарли тилда яратиш;

олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқуловга — олий таълим муассасаларида физика фанларини ўқитиш сифатини ошириш, илғор хорижий тажриба асосида илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда физика фанлари бўйича замонавий дарсликларнинг нашр этилишини таъминлаш ва тизимдаги илмий ташкилотларнинг фаолиятини натижадорликка йўналтириш;

инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмоновга — физика соҳасидаги илмий тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш ва «фан-таълим-ишлаб чиқариш-ҳудуд» интеграциясини чуқурлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Фанлар академиясининг президенти Б.С. Юлдашевга — илмий ташкилотларнинг натижадорлигини кучайтириш, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — тегишли ҳудуддаги ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда амалга оширилаётган илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда кўмаклашиш юзасидан шахсий масъулият белгилансин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

---

\* 12-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 март,  
ПҚ-5032-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 113 Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Кўрилган чораларга қарамасдан дунё бозори ва асосий иқтисодий ҳамкор мамлакатларда кузатилаётган тенденцияларга боғлиқ равишда ички бозорда айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошиши кузатилмоқда.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар шароитида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор нархларда таъминлаш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2021 йилда асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ички ресурслар ҳисобидан таъминлаш даражасини ошириш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кеси-мида асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмлари прогноз кўрсаткичлари 1 ва 1.1 — 1.14-иловаларга\*\* мувофиқ;

ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарор сақлаш мақсадида импорт асосида келтириладиган маҳсулотларнинг прогноз ҳажмлари 2-иловага\*\* мувофиқ;

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни ички бозорга тизимли етказиб бериш ҳамда нархларни доимий мониторинг қилиш ва тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 мартда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни ички бозорга тизимли етказиб бериш ҳамда нархларни доимий мониторинг қилиш ва тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади.

Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худудлар кесимида асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таҳлил қилиш;

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжига нисбатан кам етиштириладиган худудлар захираси учун етишмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми эҳтиёждан ортиқча бўлган худудлар ҳисобига қоплаш чораларини кўриш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ички бозорга тизимли етказиб берилиши ҳамда уларнинг нархлари ошиб кетмаслиги юзасидан доимий мониторинг-ни амалга ошириш;

нархлар кескин ошиши билан боғлиқ хавфлар юзага келганда уларнинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича дунё бозорларидаги талаб ва таклиф мувозанати, кутилаётган ижобий ва салбий конъюнктура ўзгаришлари, ички бозор учун юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаб бориш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ички бозорга тизимли етказиб бериш, шунингдек, нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича бир ҳафта муддатда худудий ишчи гуруҳлар таркибини шакллантирсин;

зарур ҳолларда аҳоли талабини ички ресурслар ҳисобига таъминлаш имконияти чекланган асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт асосида келтиришга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда ҳар йили экиб келинаётган картошка майдонларидан камида 10 фоизга кўп майдонга, шу жумладан асосий ва такрорий майдонларга 84 минг гектар ҳамда янги боғ-токзорларнинг қатор ораларига 3 минг гектар, жами 87 минг гектардан кам бўлмаган майдонларга картошка экилиши учун уруғлик захирасини яратсин ва уни етиштирсин ҳамда агротехник тадбирларнинг тизимли олиб борилишини таъминласин;

ривожланган давлатлар тажрибаси асосида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилувчилар (ижтимоий соҳа ташкилотлари



ва илмий муассасалар, бозорлар ҳамда экспортёр ташкилотлар) билан йил бошидан шартнома келишувларини расмийлаштириш тизимини жорий қилган ҳолда, 2021 йилдан бошлаб, пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг таклифлари асосида тупроқ ва иқлим шароити, сув таъминоти яхши бўлган қулай ҳудудларда 1 гектаргача бўлган майдонларда картошка етиштиришни йўлга қўйсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда:

келгусида серҳосил ва юқори навга хос бўлган картошка уруғликларини кўпайтириш ва мавжудларини сақлаб қолиш мақсадида 2021 йилда аҳоли томорқаларига экиладиган майдонлардан ташқари барча, кластер корхоналарида, қишлоқ хўжалиги кооперацияларида, элита уруғчилик хўжаликларида, илмий муассасалар, масъулияти чекланган жамиятлар ва фермер хўжаликларида экиладиган йирик картошка майдонларига талаб этиладиган маҳаллий ва хорижий картошка уруғликлари мувофиқлик сертификати асосида экилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

чорвачилик йўналишидаги асосий устувор вазифалар ва ишлаб чиқилган дастурларнинг жойлардаги ижроси тизимли равишда ташкил этилиши устидан назоратни амалга оширсин.

6. Қўйидагилар мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб тавсия этилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилган Озиқ-овқат хавфсизлиги жамғармалари маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жалб этилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган Озиқ-овқат хавфсизлиги жамғармалари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат ва мониторинг олиб боради.

7. Белгилансинки, четдан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келтириш мақсадлари учун:

тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга айланма маблағлар учун белгиланган тартибда кредитлар ажратади;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 17 февралдаги 77-сон қарори билан белгиланган тартиб асосида кредитлар бўйича фоиз тўловларини компенсация қилиб беради;

Молия вазирлиги, кредит ажратиш учун ресурслар етарли бўлмаган

тақдирда, талаб этиладиган маблағни тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида депозитга жойлаштирилишини таъминлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, ички бозорда мавжуд озиқ-овқат захиралари, шунингдек, дунё бозорларидаги талаб ва таклиф мувозанати, кутилаётган ижобий ва салбий конъюнктура ўзгаришлари, ички бозор учун юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаб бориш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйсин ва зарур ҳолларда кутилаётган хатарларнинг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда:

а) алоҳида ишчи гуруҳ ташкил этган ҳолда:

ички бозор учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, шакар ва мойли экинлар хом ашёси, картошка, ун ва гўшт маҳсулотларини етказиш бўйича импорт географиясини диверсификация қилиш;

импорт бозорида монополияга йўл қўймаслик ва импорт товарларни олиб киришда рақобат шароитларини яхшилаш;

янги транспорт йўлакларини яратиш ва асосий истеъмол товарларини етказиб беришда транспорт харажатларини субсидиялаш бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш чораларини кўрсин;

б) амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий ички истеъмол бозорлари асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланишининг аҳволи, тақчиллик сезилаётган маҳсулотлар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар ва нарх-наволарнинг ҳолати юзасидан ҳар 10 кунда шахсан ўзлари раҳбарлигида муҳокамалар ўтказсин ҳамда ҳар ой якуни билан жойлардаги аҳвол бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифларни ўз ичига олган таҳлилий маълумот киритиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаевга, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобиловга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларига ушбу қарорга 1 ва 1.1 — 1.13-иловаларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўлиқ ва сифатли етиштирилиши учун шахсий масъулият юклансин.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси 2021 йил 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган чорвачилик хўжаликларигаги мавжуд қорамоллар бош сони ва уларга

ажратилган ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда чорвачилик учун мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича кафолатланган захирани яратиш, захирани шакллантиришда тегишли ҳудудларнинг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари (шакар, ўсимлик ёғи, ун ва бошқалар) талабидан келиб чиқиб, уларни квота асосида бозор шароитларида сотиб олиш ва ички бозорга интервенция қилиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев:

ҳар ой якуни бўйича мазкур қарорнинг ижроси ҳолатини масъул вазирлик ва идоралар, туман ва шаҳарлар кесимида танқидий муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйсин ҳамда юзага келган муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриб борсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини жалб этган ҳолда аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида картошка етиштириш кўрсаткичлари ҳаққонийлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 15 март,  
135-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**114 Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига (кейинги ўринларда — объектлар) давлат тилида ном бериш (нейминг) хизматини кўрсатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларига объектларга давлат тилида ном бериш хизматини кўрсатишга оид қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ келадиган, миллий кадриятларга мос ҳамда объектларга қўйиш тавсия этиладиган номлар захирасини онлайн режимида шакллантириш ҳамда уни доимий янгилаб бориш;

ташқи ёзув, пешлавҳа, реклама ва эълонлар матнини тайёрлаш, шунингдек, уларнинг давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқлиги, номларнинг бир хил ёки ўхшашлик даражаси юзасидан лингвистик экспертиза ўтказиш;

номлаш, ном яратиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилиш, уларга маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўра объектлар учун давлат тили қоида ва меъёрларига, қонунчилик ҳужжатларига ва миллий кадриятларга мос бўлган давлат тилида номлар яратиш ва танлаш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, объектларга ном бериш «Давлат тили ҳақида», «Фирма номлари тўғрисида» ва «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Марказга ушбу қарорда назарда тутилган қўшимча вазифалар юкланганлигини ҳисобга олган ҳолда унинг уставини янги тах-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 мартда эълон қилинган.

рида тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан қайта ўтказилишини таъминласин;

икки ой муддатда Марказни давлат тилида номлашнинг лингвистик меъёрлари ва методикасини ишлаб чиқиш ҳамда номлаш, ном яратиш бўйича методик қўлланма ва адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

олти ой муддатда Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари учун давлат тилида номлашнинг лингвистик меъёрлари ва методикаси асосида яратилган номлар захирасининг электрон дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва уни Давлат хизматлари агентлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимига интеграция қилиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзбек тилида ном яратишнинг лингвистик асосларини яратишга, соҳалар бўйича номлар захирасини шакллантириш ва уларнинг электрон дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда миллий бренд қийматини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танловини эълон қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 март,  
144-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**115** Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тизимида товарларнинг намуна ва синамаларини тасарруф этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Божхона хизмати органларида божхона экспертизасини ўтказиш тартибини жаҳон стандартларига мослаштириш, намуна ва синама олиш жараёнларини соддалаштириш ҳамда янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар яратиш, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

## 1. Белгилансинки:

а) товарлар намуналарини ёки синамаларини олиш мазкур товарларни идентификациялаш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига биноан товар кодини аниқлаш мақсадларида амалга оширилади;

б) товарлар намуналари ёки синамаларни тасарруф этиш ҳамда божхона экспертизасини ўтказиш учун зарур сарфлаш материаллари давлат божхона хизмати органларининг ҳар йилги истеъмолидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда харид қилинади;

в) товарлар намуналари ёки синамалари товар партиясининг таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодалаши ҳамда олинган намуналар ёки синамалар, шунингдек, маълумотлар ишончлилиги учун қуйидагилар шахсан жавобгар ҳисобланади:

товарлар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилаётганда — божхона органи мансабдор шахси;

товар жисмоний шахс ёки юридик шахслар томонидан тақдим этилганда — жисмоний шахс ёки юридик шахснинг масъул этиб тайинлаган ходимлари;

намуналар ёки синамаларни олиш суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари қарорлари асосида амалга оширилганда — ушбу қарорларда масъул этиб тайинланган шахслар.

2. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказилаётган товарлардан намуналар ёки синамалар танлаб олиш, уларни божхона лабораторияларига тақдим этиш, тасарруф этиш, сақлаш ҳамда йўқ қилиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тизимида товарларнинг намуналари ва синамаларини тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 мартда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 17 март,  
145-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 17 мартдаги 145-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тизимида  
товарларнинг намуналари ва синамаларини тасарруф  
этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарлардан намуналар ёки синамаларни танлаб олиш, божхона лабораторияларига тақдим этиш, тасарруф этиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**божхона лабораторияси** — божхона органлари тизимидаги божхона экспертизасини амалга оширишга мўлжалланган махсус лаборатория;

**ваколатли орган** — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тадқиқот (экспертиза) тайинлаш ваколатига эга бўлган суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари;

**йўлланма хати** — божхона органи, ваколатли органлар, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тадқиқот (экспертиза) тайинлаш тўғрисидаги ёзма ёки электрон мурожаати;

**намуна** — божхона мақсадлари учун тақдим этилган ёки терговга қадар текширув, суриштирув ҳаракатлари, тергов ва суд жараёнларидаги товар партиясининг таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодаловчи товар;

**намуналарни ёки синамаларни йўқ қилиш** — намуналар ёки синамаларни товар сифатида белгиланган мақсадларда ишлатишга яроқсиз ҳолатга келтириш (ёқиб юбориш, қўмиб ташлаш ва бошқалар);

**синама** — божхона мақсадлари учун тақдим этилган ёки терговга қадар текширув, суриштирув ҳаракатлари, тергов ва суд жараёнларидаги

товар партиясининг таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодаловчи товарнинг минимал қисми;

**тадқиқот (экспертиза)** — божхона лабораторияси эксперти томонидан фан, техника ва бошқа соҳалардаги махсус билимлар асосида намуналар ёки синамаларни ўрганиш.

3. Намуналар ёки синамалар товарларни идентификациялаш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига (кейинги ўринларда — ТИФ ТН) биноан товар кодини аниқлаш мақсадларида олинади.

Намуналар ёки синамаларни божхона лабораторияларида тасарруф этиш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Товарлардан намуналар ёки синамаларни олиш усули товар туридан келиб чиққан ҳолда халқаро стандартлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда улар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги матнларда — Давлат божхона қўмитаси) томонидан ишлаб чиқилган услубга мувофиқ амалга оширилади.

5. Товар намуналари ёки синамаларини тасарруф этиш ҳамда божхона экспертизасини ўтказиш учун зарур сарфлаш материаллари мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ божхона органларининг ҳар йилги истеъмолидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда харид қилинади.

## **2-боб. Намуналар ёки синамаларни олиш**

### **1-§. Товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилаётганда намуналар ёки синамалар олиш тартиби**

6. Тадқиқот (экспертиза) мақсадлари учун эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилаётган товарлардан намуналар ёки синамалар олиш божхона органи бошлиғи томонидан масъул этиб тайинланган божхона органи мансабдор шахси томонидан товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс, шунингдек, заруратга қўра (захарли, токсик, кучли таъсир қилувчи товарлар), мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Бунда божхона органи мансабдор шахси намуналар ёки синамалар товар партиясининг таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодалаш ҳамда олинган намуналар ёки синамалар, шунингдек, маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Намуналар ёки синамалар уч нусхада олинади ва мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ шакл бўйича божхона органи мансабдор шахси томонидан учта нусхада намуналар ёки синамалар олиш далолатномаси тузилади. Бунда далолатноманинг:

---

\* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



биринчи нусхаси намуналар ёки синамалар билан биргаликда божхона лабораториясига шу куннинг ўзида юборилади;

иккинчи нусхаси товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсга берилади;

учинчи нусхаси тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органида қолдирилади.

8. Намуналар ёки синамаларнинг ҳар бир нусхаси мазкур Низомга 4-иловага\* мувофиқ қадоқланади ва махсус қадоқ устидаги жадвал товар тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади ҳамда божхона органи мансабдор шахсининг рақамланган шахсий муҳри билан пакетнинг белгиланган қисмига муҳр босилади.

9. Намуналар ёки синамаларни олишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича жавобгарлик тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органи бошлиғи ёки ваколатли органнинг масъул ходими ҳамда намуналар ва синамаларни олган шахснинг заммасига юкланади.

## **2-§. Товар жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тақдим этилаётганда намуналар ёки синамалар олиш**

10. Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тадқиқот (экспертиза) мақсадларида товарлардан намуналар ёки синамалар олиш жисмоний шахс ёки юридик шахснинг масъул этиб тайинлаган ходимлари томонидан, зарурат юзасидан (заҳарли, токсик, кучли таъсир қилувчи товарлар) эса, мутахассис иштирокида олинади.

Бунда жисмоний шахс ёки юридик шахснинг масъул этиб тайинлаган ходимлари намуналар ёки синамалар товар партиясининг таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодалаш ҳамда олинган намуналар ёки синамалар, шунингдек, маълумотларнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

11. Намуналар ёки синамалар уч нусхада олиниб, йўлланма хати орқали намуналар ёки синамалар билан божхона лабораториясига жисмоний ёки юридик шахс томонидан танланган куни юборилади.

Товар миқдори уч нусхада намуналар ёки синамалар олиш имкониятини бермаса, у ҳолда товардан бир нусхада намуна ёки синама олиниб, йўлланма хати орқали лабораторияга юборилади.

12. Намуналар ёки синамаларнинг ҳар бир нусхаси мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ қадоқланиб, махсус қадоқ устидаги жадвал товар тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади ҳамда жисмоний ёки юридик шахснинг масъул этиб тайинлаган ходимлари томонидан имзоланади ва пакетнинг белгиланган қисмига муҳр босилади.

13. Намуналар ёки синамаларни олишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича жавобгарлик тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган жисмоний шахс ёки юридик шахснинг масъул этиб тайинлаган ходимлари зиммасига юкланади.

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### **3-§. Суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари қарорлари асосида намуналар ёки синамалар олиш**

14. Суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари қарорлари асосида товарлардан намуналар ёки синамалар олиш, ушбу қарорларда масъул этиб тайинланган шахс томонидан холислар, заруратга кўра, мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Бунда намуналарни (синамаларни) олган шахс намуналар ёки синамалар товар партияси таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодалашини таъминлаши шарт ҳамда олинган намуналар ёки синамалар, маълумотларнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

15. Намуналар ёки синамалар уч нусхада олиниб, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ икки нусхада тузиладиган намуналар ёки синамалар олиш далолатномасини қарорда масъул этиб тайинланган шахс расмийлаштиради ҳамда қарорда масъул этиб тайинланган шахс, холислар, шунингдек, заруратга кўра эса, мутахассис томонидан имзоланади.

Бунда далолатноманинг биринчи нусхаси намуналар ёки синамалар билан бирга божхона лабораториясига шу куннинг ўзида юборилади, иккинчи нусхаси қарорда масъул этиб тайинланган шахсга берилади.

16. Намуналар ёки синамаларнинг ҳар бир нусхаси мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ кадоқланади ва махсус кадоқ устидаги жадвал товар тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади ҳамда қарорда масъул этиб тайинланган шахс, холислар, шунингдек, заруратга кўра, мутахассис томонидан пакетнинг белгиланган қисми имзоланади ва қарорда масъул этиб тайинланган шахснинг муҳри босилади.

17. Намуналар ёки синамаларни олишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича жавобгарлик тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган қарорда масъул этиб тайинланган шахсга юклатилади.

### **3-боб. Намуналар ёки синамаларни қабул қилиш**

#### **1-§. Товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилаётганда намуналар ёки синамаларни қабул қилиш**

18. Тадқиқот (экспертиза) божхона постининг божхона лабораторияси эксперти томонидан амалга оширилаётган бўлса, намуналар ёки синамалар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги намуналар ёки синамалар олиш далолатномаси билан бирга намуналар ёки синамаларни олган божхона органи мансабдор шахси томонидан божхона постининг божхона лабораторияси экспертига етказилади.

Тадқиқот (экспертиза) Давлат божхона қўмитасининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг божхона лабораторияси экспертлари томонидан амалга оширилаётган бўлса, тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органининг йўлланма хати, намуналар ёки синамалар ва ушбу Низомга

3-иловага мувофиқ шаклдаги намуналар ёки синамалар олиш далолатномаси билан бирга Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг божхона лабораторияси экспертларига етказилади.

Тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органи ушбу тадқиқот (экспертиза) қайси лабораторияда ўтказилишини кўрсатиб ўтади.

19. Йўлланма хатида қуйидаги маълумотлар:

божхона лабораториясига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар;  
микдори кўрсатилган намуналар ёки синамалар рўйхати;  
намуналар ёки синамалар қадоқланган махсус қадоқ идентификация рақами;  
ҳар бир ҳужжатнинг рақами;

божхона юк декларациясининг 7-графасидаги рақами акс эттирилади.

Йўлланма хати тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

20. Намуналар ёки синамалар божхона пости божхона лабораториясига келиб тушганда, божхона лабораторияси эксперти тақдим этилган намуналар ёки синамалар ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ қадоқланганлигини текширади.

Йўлланма хати, намуналар ёки синамалар ва ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги намуналар ёки синамалар олиш далолатномаси Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг божхона лабораторияси экспертларига келиб тушганда, материалларни қабул қилиш ва экспертиза материаллари жавобларининг жўнатилишига масъул бўлган шахс томонидан ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ экспертизага юборилган ва тақдим этилган материаллар қадоқланганлигини ва мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган маълумотларни текшириб чиқади.

Ушбу Низом талабларини бузган ҳолда расмийлаштирилган намуналар ёки синамалар тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органига камчиликларни бартараф этиш учун камчиликлар аниқланган куннинг ўзида қайтарилади.

Тақдим этилган материаллар ушбу Низом талабларига мувофиқ келса, йўлланма хатининг иккинчи нусхасига қабул қилиб олганлик тўғрисида белги қўйилади ҳамда у тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органига қайтарилади.

21. Намуналар ёки синамалар декларация қилинган товарга тегишли бўлмаса, қадоқда товарга нисбатан ваколатли шахс имзоси бўлмаса, божхона лабораторияси эксперти қайтадан намуналар ёки синамалар олишни тайинлаш ҳуқуқига эга, қайтадан намуналар ёки синамалар олиш ушбу Низом билан белгиланган тартибда, мажбурий равишда мутахассис сифатида божхона лабораторияси эксперти иштирок этган ҳолда ўтказилади.

## **2-§. Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тақдим этилган товар намуналарини (синамаларини) қабул қилиш тартиби**

22. Тадқиқот (экспертиза) жисмоний ёки юридик шахслар мурожаати-

га асосан амалга оширилади, йўлланма хати ва намуналар ёки синамалар Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг божхона лабораторияси экспертларига етказилади.

23. Йўлланма хатида қуйидаги маълумотлар:

божхона лабораториясига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар;

миқдори кўрсатилган намуналар ёки синамалар рўйхати;

намуналар ёки синамалар қадоқланган махсус қадоқнинг идентификация рақами;

намуналар ёки синамалар товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш учун тақдим этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 371-моддасида белгиланган маълумотлар мажбурий тарзда акс эттирилиши керак.

Йўлланма хати тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган жисмоний шахс ёки юридик шахснинг масъул раҳбари томонидан имзоланади.

Йўлланма хати намуналар ёки синамалар билан бирга Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг божхона лабораторияси экспертларига келиб тушганда, материалларни қабул қилиш ва экспертиза материаллари жавобларининг жўнатилишига масъул бўлган шахс томонидан экспертизага юборилган ва тақдим этилган материаллар мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ қадоқланганлигини ва ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган маълумотларнинг тўлиқлигини текшириб чиқади.

Ушбу Низом талабларини бузган ҳолда расмийлаштирилган намуналар ёки синамалар тадқиқотни (экспертиза) тайинлаган жисмоний ёки юридик шахсларга камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

Тақдим этилган материаллар ушбу Низом талабларига мувофиқ келган ҳолатларда йўлланма хати белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

### **3-§. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари қарорлари асосида юборилган товар намуналарини (синамаларини) қабул қилиш тартиби**

24. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг қарорлари асосида тайинланган тадқиқотни (экспертизани) Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари экспертлари амалга ошираётган бўлса, тадқиқотни (экспертиза) тайинлаган органнинг қарори йўлланма хати билан бирга Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари экспертларига етказилади.

25. Йўлланма хати тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган ваколатли орган раҳбарияти томонидан имзоланади.

26. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг қарорларида белгиланган шахс томонидан намуналар ёки синамалар тадқиқот (экспертиза) учун Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари божхона лабораторияси экспертларига келиб тушганда, намуналар ёки синамалар белгиланган тартибга мувофиқ қадоқланганлиги текшириб чиқилади.

Ушбу Низом талабларини бузган ҳолда расмийлаштирилган намуналар

ёки синамаларни юборган шахсга камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

#### **4-боб. Намуналар ёки синамаларни тасарруф этиш**

##### **1-§. «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаштирилаётган товарлар намуналари ёки синамаларини тасарруф этиш**

27. Тадқиқот (экспертиза) натижасида товарнинг божхона лабораторияси эксперти томонидан аниқланган ТИФ ТН коди божхона юк декларациясида кўрсатилган кодга мос келса — ижобий экспертиза хулосаси ёки товарнинг божхона лабораторияси эксперти томонидан аниқланган ТИФ ТН коди божхона юк декларациясида кўрсатилган кодга мос келмаса — салбий экспертиза хулосаси берилади. Божхона экспертизаси йигирма иш кунигача бўлган вақтда ўтказилади.

28. Намуналар ёки синамалар, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказилгандан сўнг қолган қисмлари (шундай тадқиқот ўтказилган ҳолатда) қўйидаги тартибда тасарруф этилади:

салбий эксперт хулосаси қабул қилинганда — тадқиқ қилиш учун тақдим этилган намуналар ёки синамаларнинг ва уларнинг қолдиқларининг барча нусхалари божхона лабораториясида қолдирилади;

ижобий эксперт хулосаси қабул қилинганда — тадқиқ қилиш учун тақдим этилган намуналар ёки синамалар ва уларнинг қолдиқлари товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсга қайтарилади.

29. Қайтарилиши лозим бўлган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқлари тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органи ходимига қадоқланган (муҳрланган) ҳолда экспертиза хулосаси берилган кунинг ўзида қайтарилади ҳамда ушбу мансабдор шахс томонидан йўлланма хатининг иккинчи нусхасига қабул қилиб олганлик ва миқдори тўғрисида белги қўйилади. Белги қўйилган йўлланма хатининг иккинчи нусхаси божхона лабораториясида қолади.

Божхона лабораториясидан олинган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқлари тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органи ходими томонидан товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсга қайтарилади.

Агар қайтариб юборилган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқларига тааллуқли тадқиқот (экспертиза) юзасидан такрорий, қўшимча ёки комплекс тадқиқот (экспертиза) ўтказишга эҳтиёж туғилган тақдирда, қайтариб юборилган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқлари сақлаш қоидаларига риоя қилинган (қадоқланган, муҳрланган) ҳолда экспертизага юборилиши шарт.

Қўшимча божхона экспертизаси биринчи (аввалги) божхона экспертизаси хулосасида мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш учун тайинланади ва ўша экспертнинг ўзи ёки бошқа эксперт ёхуд экспертлар комиссияси томонидан ўтказилади.

Хулоса асосланмаганда ёхуд унинг асосидаги далиллар ҳақиқий эмас деб топилганда, такрорий божхона экспертизаси тайинланади.

Божхона экспертизасини экспертлар комиссияси томонидан ўтказиш божхона экспертизасини тайинлаган орган томонидан белгиланади.

30. Божхона лабораториясида қолдирилган намуналар ёки синамалар тегишли божхона органи ёки ваколатли органлар томонидан тайинланган қайта тадқиқот (экспертиза) ўтказишда ишлатилиши мумкин.

## **2-§. Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тақдим этилган товарлар намуналари ёки синамаларини тасарруф этиш**

31. Намуналар ёки синамалар, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказилгандан кейин қолган қисмлари жисмоний ёки юридик шахсларга қайтарилади. Божхона экспертизаси йигирма иш кунигача бўлган вақтда ўтказилади.

32. Қайтарилиши лозим бўлган намуналар ёки синамалар ва уларнинг қолдиқлари жисмоний ёки юридик шахснинг масъул ходимига қадоқланган (муҳрланган) ҳолда экспертиза хулосаси берилган кунинг ўзида қайтарилади ва ушбу ходим томонидан йўлланма хатининг иккинчи нусхасига қабул қилиб олганлик ва миқдори тўғрисида белги қўйилади. Белги қўйилган йўлланма хатининг иккинчи нусхаси божхона лабораториясида қолади.

Агар қайтариб юборилган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқларига тааллуқли тадқиқот (экспертиза) юзасидан такрорий, қўшимча ёки комплекс тадқиқотга (экспертизага) эҳтиёж туғилган тақдирда, қайтариб юборилган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқлари сақлаш қоидаларига риоя қилинган ҳолда экспертизага юборилиши шарт.

Қўшимча божхона экспертизаси биринчи (аввалги) божхона экспертизаси хулосасида мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш учун тайинланади ва ўша экспертнинг ўзи ёки бошқа эксперт ёхуд экспертлар комиссияси томонидан ўтказилади.

Хулоса асосланмаганда ёхуд унинг асосидаги далиллар ҳақиқий эмас деб топилганда, такрорий божхона экспертизаси тайинланади.

Божхона экспертизасини экспертлар комиссияси томонидан ўтказиш божхона экспертизасини тайинлаган орган томонидан белгиланади.

33. Бир нусхада олинган (товар миқдоридан келиб чиққан ҳолда имконияти мавжуд бўлмаган) намуналар ёки синамаларнинг тадқиқот ўтказилгандан сўнг қолдиқлари жисмоний ва юридик шахсларга ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ қайтарилади.

## **3-§. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари қарорлари асосида юборилган товарлар намуналари ёки синамаларини тасарруф этиш**

34. Намуналар ёки синамалар, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий

тадқиқотлар ўтказилгандан кейин қолган қисмлари суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари қарорларида намуналарни тақдим қилишга масъул этиб тайинланган шахсга, яъни намуналарни божхона лабораториясига юборган шахсга қайтарилади. Божхона экспертизаси суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари қарорлари асосида ўттиз иш кунигача бўлган вақтда ўтказилади.

35. Қайтарилиши лозим бўлган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқлари намуна учун масъул этиб тайинланган шахсга қадоқланган (муҳрланган) ҳолда экспертиза хулосаси берилган кунинг ўзида қайтарилади ва ушбу шахс томонидан йўлланма хатининг иккинчи нусхасига қабул қилиб олганлик ва миқдори тўғрисида белги қўйилади. Белги қўйилган йўлланма хатининг иккинчи нусхаси божхона лабораториясида қолади.

Агар қайтариб юборилган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқларига тааллуқли тадқиқот (экспертиза) юзасидан такрорий, қўшимча ёки комплекс тадқиқотга (экспертизага) эҳтиёж туғилган тақдирда, қайтариб юборилган намуналар ёки синамалар ва (ёки) уларнинг қолдиқлари сақлаш қоидаларига риоя қилинган ҳолда экспертизага юборилиши шарт.

Қўшимча божхона экспертизаси биринчи (аввалги) божхона экспертизаси хулосасида мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш учун тайинланади ва ўша экспертнинг ўзи ёки бошқа эксперт ёхуд экспертлар комиссияси томонидан ўтказилади.

Хулоса асосланмаганда ёхуд унинг асосидаги далиллар ҳақиқий эмас деб топилганда такрорий божхона экспертизаси тайинланади.

Божхона экспертизасини экспертлар комиссияси томонидан ўтказиш божхона экспертизасини тайинлаган орган томонидан белгиланади.

### **5-боб. Намуналар ёки синамаларни сақлаш**

36. Божхона лабораториясида қолдирилган намуналар ёки синамалар товарнинг истеъмол идишида кўрсатилган сақлаш (яроқлилиқ) муддатларига мувофиқ сақланади. Бундай маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг сақлаш муддатлари товарга тегишли бўлган халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси стандартлари билан белгиланган муддатларни аниқлаган ҳолда, қуйидаги муддатлардан ошиб кетмаган ҳолда сақланади:

божхона лабораториясида салбий эксперт хулосаси қабул қилинса, хулоса берилган санадан бошлаб — 3 йил давомида;

тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг намуналарини (синамаларини) сақлаш муддати — улар божхона лабораториясига тақдим қилинган вақтдан бошлаб 1 ой давомида;

агар намуналар ёки синамаларнинг яроқлилиқ муддати божхона лабораториясига топширилгандан бошлаб, ушбу бандда белгиланган сақлаш муддати оралиғида тугаса ва божхона экспертизасида уларнинг қадоқларидаги, ёрликларидаги маълумотлардан фойдаланилган бўлса, у ҳолда ушбу қадоқлар ва ёрликлар қолган белгиланган муддатгача сақланади.

37. Худудий божхона бошқарма ва божхона постида намуналар ёки си-

намаларни сақлаш ҳудудий божхона бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғининг топшириғига асосан белгиланган моддий жавобгар шахс жавобгарлиги остида амалга оширилади.

38. Давлат божхона қўмитасида намуналар ёки синамаларни сақлаш масъул бошқарма моддий жавобгар шахсининг жавобгарлиги остида амалга оширилади.

39. Намуналар ёки синамалар товарнинг ТИФ ТН коди бўйича таснифланишига таъсир қилувчи кўрсаткичлар ўзгармаслигини таъминловчи, ёнғин хавфсизлигига жавоб берувчи, намликдан ва ташқи муҳитнинг ноқулай омилларидан химояланган шароитларда сақланиши керак.

### **6-боб. Намуналар ёки синамаларни йўқ қилиш**

40. Намуналар ёки синамаларни сақлаш муддати тугагач, улар йўқ қилинади.

41. Масъул бошқарма ҳудудий божхона бошқармаси ва божхона постининг масъул шахси ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан, сақлаш муддати ўтиб кетган (агар шундай ҳолатлар бўлса) намуналар ёки синамаларни йўқ қилиш тўғрисида ушбу масъул бошқарма бошлиғи (пост бошлиғи) номига билдирги беради.

Билдиргида товарнинг номи, сони, божхона лабораториясининг тегишли хулосаси рўйхатга олинган рақами кўрсатилган ҳолда, сақлаш муддати ўтиб кетган намуналар, синамалар рўйхати илова қилинади.

42. Намуналар ёки синамаларни йўқ қилиш учун масъул бошқарма бошлиғининг (пост бошлиғининг) ёзма кўрсатмасига кўра таркибида камида учта божхона ходимларидан иборат бўлган комиссия тузилади.

43. Намуналар ёки синамаларни йўқ қилиш усули намуналар ёки синамалар йўқ қилинаётганда вужудга келувчи моддаларнинг атроф-муҳитга таъсири, шунингдек, иқтисодий самарадорлик нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда тегишли комиссия аъзолари томонидан танланади.

Намуналар ёки синамаларни йўқ қилиш учун намуналар ва синамаларни ёқиш, парчалаш, майдалаш каби усуллардан фойдаланилади.

44. Комиссия намуналар ёки синамаларни йўқ қилгач, бу тўғрисида ушбу Низомга 5-иловага\* мувофиқ шаклда намуналар ёки синамаларни йўқ қилиш тўғрисида далолатнома тузади. Далолатномада ҳар бир намунани (синамани) йўқ қилиш усули акс эттирилиши керак.

45. Сақлаш муддати ўтиб кетган алоҳида намуналар ёки синамалар божхона лабораторияси бошлиғининг кўрсатмасига биноан кўргазмали ўқув қуроллари ёки лаборатория музейининг экспонати сифатида қолдирилиши мумкин.

### **7-боб Яқунловчи қоида**

46. Ушбу Низом талабларининг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**116 «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда 2021 йилда аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Иқтисодий тараққиёт вазирлиги) Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда тижорат банклари билан биргаликда ҳар бир маҳаллада қўйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи янги ишлаш тизимини жорий этсин:

оилаларнинг даромад манбаларини, шу жумладан, томорқа ерлардан фойдаланиш ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини «хонадонбай» ўрганиш;

банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишга амалий кўмаклашиш;

ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ажратиш;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш;

мавжуд имкониятларни (бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари ва бандликнинг анъанавий соҳалари) ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали жойларда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш;

самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбир-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 мартда эълон қилинган.

корларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш ва бизнес-режаларни тайёрлаш учун банкларнинг қўйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш орқали мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш («мижозбай» ишлаш) тизимини такомиллаштириш;

жойларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган (ер ажратиш, қурилиш учун рухсат бериш, турли хил фаолиятлар учун лицензия олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик учун ажратиш, коммуникация тизимларига уланиш) муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш.

2. «Маҳаллабай» ишлаш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагилар:

Республика ҳудудларида «маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

«Маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисидаги вақтинчалик низом (кейинги ўринларда — Вақтинчалик низом) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссияси:

а) 2021 йил 10 апрелга қадар:

маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари билан биргаликда оилаларнинг даромад манбаларини, даромадли меҳнатга бўлган эҳтиёжларини «хонадонбай» ҳамда тадбиркорларнинг муаммоларини «мижозбай» ўрганиш ва муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича — ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг туман (шаҳар) филиалларидан бир нафар доимий вакил (кейинги ўринларда — доимий вакил) бириктирилишини;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатиш орқали меҳнат билан бандлигига кўмаклашиш, маҳаллаларда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш ҳамда «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш бўйича — ҳар бир сектор ҳузурида бошқарув офислари (кейинги ўринларда — бошқарув офиси) ташкил этилишини;

маҳаллалардаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, бошқарув офислари ва доимий вакилларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича — туман (шаҳар) ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлик қиладиган мувофиқлаштирувчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — мувофиқлаштирувчи гуруҳ) шакллантирилишини таъминласин;

б) 2021 йил 15 апрелга қадар:

маҳалла паспортлари, маҳаллаларда ўтказиладиган сўровномалар, маҳаллани комплекс ривожлантириш дастурларининг намунавий шаклларини ишлаб чиқсин ва доимий вакилларга, бошқарув офисларга ва мувофиқлаштирувчи гуруҳларга етказсин;

доимий вакиллар, бошқарув офислари ва мувофиқлаштирувчи гуруҳ-

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар томонидан Вақтинчалик низом бўйича ишлар олиб борилишини ташкил этсин;

в) 2021 йил 20 апрелга қадар ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, шу жумладан, уларни тадбиркорликка ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш орқали уларга амалий кўмаклашиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгиласин;

г) Республика комиссияси республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига ҳамда тижорат банкларининг раҳбарларига «маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш жараёни доирасида тегишли кўрсатмалар бериш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича ваколатли ҳисоблансин;

д) доимий равишда жойларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини самарали жорий этсин ҳамда ушбу вазифаларни амалга ошириш учун масъул эканлиги белгилансин;

е) ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштириб борсин;

ж) амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

з) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар Вақтинчалик низомни амалиётда қўллаш натижаларини таҳлил қилсин ва уни янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

4. Белгилансинки, «маҳаллабай» ишлаш тизими бўйича жойларда амалга оширилган ишлар тўғрисида барча турдаги ҳисоботлар ва ахборотлар Иқтисодий тараққиёт вазирлиги томонидан умумлаштириб борилади, бу борадаги ҳисоботлар ва ахборотлар Иқтисодий тараққиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда манфаатдор вазирликлар ва идоралардан олинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда:

«маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича методик қўлланма ва ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва Республика комиссиясига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликларига, маҳалла фуқаролар йиғинларига етказиш;

ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда маҳаллаларга бириктирилган доимий вакилларни, туман (шаҳар)лардаги бошқарув офислари масъулларини ва мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзоларини ўқитиш бўйича режа-жадвал тузсин ҳамда ўқитиш жараёнини ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. «Микрокредитбанк» АТБга:

бир ой муддатда ёш тадбиркорларнинг ташаббуслари, стартап ва инновацион ғояларини йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни молиялаштириш вазифаларини амалга оширувчи алоҳида таркибий тузилма ташкил этиш;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда ягона платформа интеграциясини амалга ошириш орқали ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйишда «ягона дарча» тамойили асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

ёшларнинг энг самарали лойиҳаларини «франшиза» усулида республика бўйлаб кенг тарғиб қилиш ва амалга ошириш чораларини кўриш;

ҳудудларда ташкил этиладиган «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари»да ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинсин.

#### 7. АТ «Халқ банки»га:

банк ходимларининг тадбиркор ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш механизмини яратиш ва уларга банк томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича бизнес-режаларни тузишда кўмаклашиш;

хотин-қизларни тадбиркорликка алоҳида ўқув дастури бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда ўқитиш натижаларига кўра уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредит ажратилишида амалий кўмаклашиш;

тажрибали тадбиркор хотин-қизларни бириктириш орқали тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлиги учун кредит ажратилгандан сўнг уларнинг бизнесини ривожлантиришга ҳар томонлама амалий ёрдам бериб бориш;

«бизнес инкубатор» лойиҳаси самарадорлигини ошириш, муваффақиятли лойиҳаларни кенг жорий этиш механизминини ишлаб чиққан ҳолда унинг тизимли ишлашини таъминлаш тавсия этилсин.

Бунда юқорида қайд этилган вазифалар бошқа ташкилотлар, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари ҳамда ваколатли тижорат банкларининг буюртманомалари асосида бир ҳафта муддатда ҳар бир вилоят учун муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантиришга 30 млн АҚШ долларига, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга 30 млн АҚШ долларига тенг маблағ ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика комиссияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган касб-хунарга ўқитиш марказларида аҳолини тадбиркорликка ўқитиш жараёнлари самарали мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Тижорат банкларига «маҳаллабай» ишлаш тизимида жалб этилган

ўз ходимларининг бириктирилган маҳаллалардаги фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириб бориш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда «маҳаллабай» ишлаш тизимининг электрон базаси ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда ўзаро интеграциялашган ахборот алмашинуви тизими фаолиятини йўлга қўйсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 17-банди учинчи хатбошисига «Томорқа хизмати» МЧЖларга» сўзларидан кейин «ва кишлоқ хўжалиги кооперативларига» сўзлари қўшилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 март,  
152-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 19 мартдаги 152-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш ва  
амалга ошириш тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вақтинчалик низом маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали аҳолини касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш бўйича республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банкларининг ўзаро яқин ҳамкорликдаги «маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**«маҳаллабай» ишлаш тизимининг бўғинлари** — Республика

худудларида «маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, мувофиқлаштирувчи гуруҳлар, бошқарув офислари ва доимий вакиллар;

**Республика комиссияси** — худудларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи коллегиал орган;

**доимий вакил** — Республика комиссиясининг қарори билан ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг туман (шаҳар) филиалларидан доимий асосда бириктирилган масъул ходим;

**бошқарув офиси** — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар) ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилган республика ва худудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офиси;

**мувофиқлаштирувчи гуруҳ** — туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлик қиладиган гуруҳ;

**маҳалла паспорти** — Республика комиссияси томонидан намунавий шакл асосида тасдиқланадиган маҳалла худудида жойлашган хонадонлар, уларда яшовчи аҳоли таркиби, ижтимоий соҳа объектлари, мавжуд ресурслар, ер майдонлари, бўш бино ва иншоотлар, инфратузилма объектлари, шунингдек, фаолият юритаётган тадбиркорлар тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига қамраб олган йиғма жадвал;

**маҳаллани ривожлантириш йўналишлари** — Республика комиссияси томонидан намунавий шакл асосида тасдиқланадиган мавжуд ресурслар, инфратузилма ва ишчи кучидан фойдаланган ҳолда маҳалла худудида имконияти мавжуд соҳаларда «драйвер» лойиҳалар амалга ошириладиган «йўл харитаси».

3. «Маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш ушбу Низомга иловада\* келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. «Маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг асосий йўналишлари**

4. Қуйидагилар «Маҳаллабай» ишлаш тизимининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

а) маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва «драйвер» лойиҳаларни аниқлаш йўналишида:

маҳаллалардаги хонадонлар, оилалар, аҳоли сони, ёш ва гендер таркиби, банд бўлганлар ва ишсизлар сони, уларнинг мутахассисликлари ва касб малакаси, маҳалла фаоллари, мактабгача таълим, ўрта ва ўрта махсус про-

фессиионал муассасалари, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар, ўқув марказлари, ер майдони, томорқа ерлар, бўш бино ва иншоотлар, инфратузилма объектлари (газ, электр энергияси, ичимлик ва оқова сув тизимлари, йўл), тадбиркорлар сони ва уларнинг фаолият тури тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига камраб олган маҳалланинг паспортини ишлаб чиқиш;

маҳаллалардаги мавжуд имкониятлар, хом ашё ресурслари, инфратузилма ҳолати, ишчи кучининг ихтисослашуви ва сифатидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир маҳаллани ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

маҳаллаларни ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб, уларнинг ихтисослашувини аниқлаш ва «драйвер» лойиҳалар рўйхатини шакллантириш;

маҳаллаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

асбоб-ускуналар, меҳнат қуролилари харид қилиш бўйича таъминотчи корхоналар рўйхатини, жойларда тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизлар рўйхатини тузиш;

б) аҳолини тадбиркорликка жалб этиш ва бандлигини таъминлаш йўналишида:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида маҳалла аҳолисига ажратилган кредитларнинг натижадорлиги мониторингини олиб бориш;

тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммоларини жойига чиққан ҳолда аниқлаш ва тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўриш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

бўш бино ва ер участкаларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш мақсадида аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўриш;

маҳаллалардаги банд бўлмаган аҳолини касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатишни ташкил этиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш;

банд бўлмаган аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилиш;

ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап фояларини янада қувватлашга қаратилган кредитлар ажратиш;

устоз-шоғирд анъанаси асосида банд бўлмаган аҳолини улар яшаётган туман (шаҳар) ва маҳаллада фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳамда хунар-мандларга бириктириш;

в) маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш йўналишида:

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга аниқ йўналишлар (касб-хунар-

га ўқитиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, моддий ёрдам бериш) бўйича манзилли кўмаклашиш;

аҳолини камбағалликдан чиқариш дастурларини шакллантириш ва уларнинг ижросини ташкил этиш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш, моддий, психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ амалий чораларни амалга ошириш;

«Беш муҳим ташаббус» доирасида ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказиш чораларини кўриш;

маҳаллаларда инфратузилма ҳолатини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

маҳалла паспортидаги мезонлар асосида «қизил», «сарик» ҳамда «яшил» ҳудудларга ажратган ҳолда барча маҳаллаларни «яшил» ҳудудга ўтказиш чораларини кўриш.

5. Ҳар бир маҳаллада тижорат банклари туман (шаҳар) филиалларидан бириктирилган бир нафар ходим доимий вакил сифатида фаолият юрилади ва қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

аҳолининг даромад манбаларини, шу жумладан, норасмий даромадга эга бўлган тадбиркор оилаларни «хонадонбай» ўрганиш;

банд бўлмаган аҳолининг, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларнинг касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларини ўрганишга бўлган эҳтиёжини аниқлаб, тегишли таклифларни мувофиқлаштирувчи гуруҳга такдим этиб бориш;

аҳолининг бизнес билан шуғулланиш истагини ўргатиб уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига, шу жумладан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини амалга оширишига кўмаклашиш;

ўрганишлар асосида маҳаллаларнинг паспортларини шакллантириш ва уларни ҳар чоракда янгилаб бориш;

маҳалладаги тадбиркорларнинг мавжуд муаммоларини «мижозбай» ўрганиб бартараф этиш ва улар фаолиятини кенгайтириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш бўйича таклифларни бошқарув офиси ва мувофиқлаштирувчи гуруҳга такдим этиб бориш;

маҳаллада фойдаланишга топширилган лойиҳалар ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида маҳалла аҳолисига ажратилган кредитларнинг натижадорлиги ҳамда самарадорлигини ўрганиш ва мониторингини олиб бориш;

фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла фаоллари билан доимий мулоқотда бўлиш, маҳаллани ривожлантириш ва аҳолини доимий даромад билан таъминлаш борасида бошқарув офисига таклифлар киритиб бориш.

6. Доимий вакил ўзига юкланган вазифаларни тўлақонли бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари, туман (шаҳар)даги ваколатли давлат ташкилотлардан маҳалла паспортини шакллантириш ва маҳаллани ривожлантириш йўналишларини аниқлаш учун зарур



бўлган очик маълумотларни сўраб олиш (фуқароларнинг шахсга доир маълумотлари, тижорат сирини ташкил қилувчи ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотлар бундан мустасно);

маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла фаоллари билан биргаликда уйма-уй юриб, банд бўлмаган аҳолини, хусусан, ёшлар ва аёлларни касб-ҳунарга ўргатиш ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш билан боғлиқ талабини ўрганиш;

банд бўлмаган аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини янада қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари вакилларини жалб этиш;

аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ташкилотларининг ходимлари ва фуқаролар йиғини раисларини жалб этиш;

маҳалла аҳолисининг муаммолари ва таклифларини жойида муҳокама қилиш ва ҳал этиш мақсадида бошқарув офиси ёки мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари билан учрашувлар (мулоқотлар) ташкил этиш;

7. Ўзига юкланган вазифаларни амалга оширишда доимий вакил қўйидаги талабларга қатъий равишда риоя этиши зарур:

уйма-уй юриш орқали аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш жараёнида карантин ва санитария-гигиена қоидалари талабларига қатъий риоя этиш;

аҳоли ва тадбиркорлар билан учрашувлар (мулоқотлар)да жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларнинг шаъни ва обрўсига путур етказмаслик;

кундалик иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш ва тушлик вақтларида фуқароларни безовта қилмаслик, уйма-уй юриш орқали аҳоли билан учрашувлар (мулоқотлар)да фақат уй эгасининг рухсати билан турар жойига кириш, аудио ва видеоёзув, шунингдек, фотосуратга олиш;

иш жараёнида фуқаронинг шахсга оид маълумотларини бошқа фуқароларга ошкор этмаслик;

маҳалла аҳолиси ва тадбиркорларни уларнинг муаммоларини муҳокама қилиш назарда тутилмаган тадбирлар ва йиғилишларга жалб этмаслик.

8. Туман (шаҳар)лардаги секторлар ҳузурида ташкил этиладиган бошқарув офиси қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

маҳаллаларда «драйвер» соҳаларни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган янги лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, маҳаллаларни комплекс ривожлантиришга доир «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш;

маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳияти ва «драйвер» соҳалардан келиб чиқиб истиқболли тадбиркорлик лойиҳалари рўйхатини шакллантириш ҳамда уларга лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқишда амалий кўмаклашиш;

мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ташаббускорлар билан бирга янги лойиҳаларни шакллантириш;

тадбиркорлик субъектлари муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича таклифларни туман (шаҳар) мувофиқлаштирувчи гуруҳига такдим этиб бориш;

маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг доимий мониторингини олиб бориш ва натижалари бўйича туман (шаҳар) мувофиқлаштирувчи гуруҳига таклифларни мунтазам такдим этиб бориш;

аҳоли хонадонларида ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ёки етиштираётган маҳсулотлар турлари, сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида тегишли соҳа мутахассисларини (шу жумладан, вақтинчалик меҳнат шартномалари асосида) жалб қилиш;

хар ҳафтада амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб бориш ва натижалари бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳга маълумот бериб бориш;

хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик лойиҳаларини аниқлаш ҳамда уларга аҳолини жалб этиш мақсадида касбий кўникмаларга ўқитиш ва малакасини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатиш йўналишлари ҳамда уларга кўмак берувчи «Томорқа хизмати» МЧЖлар рўйхатини аниқлаш, зарур инфратузилмани (уруғ етказиб бериш, ветеринария, ўсимликларни ҳимоя қилиш) ташкил этиш чораларини кўриш;

худудларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб янги лойиҳаларни амалга ошириш учун бўш турган ерлардан самарали фойдаланиш, жумладан, уларни аукционга чиқаришни ташкил этиш;

маҳаллалар бўйича аҳолини камбағалликдан чиқариш ҳамда эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришнинг манзилли чораларини амалга ошириш.

9. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ қўидаги вазифаларни амалга оширади:

хар бир маҳалла ва туман (шаҳар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолини камбағалликдан чиқариш чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш, уларни халқ депутатлари Кенгашига такдим этиш ва ижросини назорат қилиш;

хар бир фуқаролар йиғини раиси, маҳаллалар фаоллари иштирокида бошқарув офислари ва доимий вакиллар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича уларнинг ахборотларини эшитиш ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисобот бериб бориш;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш;

бошқарув офиси ва маҳаллаларга бириктирилган доимий вакиллар томонидан маҳаллада аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш;

аҳолининг хоҳиши асосида касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш, мавжуд бўш (вакант) иш ўринларига ишга жойлашишга кўмаклашиш;

банд бўлмаган аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркор-

лик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап гоёларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар олишига кўмаклашиш;

бошқарув офиси, доимий вакил ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари фаолияти самарадорлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳамда уларнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

бошқарув офиси, доимий вакил ва маҳалла фуқаролар йиғини таклифлари асосида маҳаллаларда инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини режалаштириш ва молиялаштириш манбаларини ҳал этиш;

жойларда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни (ер ажратиш, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш, бўш биноларни бериш, инфратузилма тармоқларига уланиш, кредит ажратиш ва б.) аниқлаш ҳамда уларни тезкорлик билан ҳал этиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш;

маҳаллаларда «драйвер» лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш.

### **3-боб. «Маҳаллабай» ишлаш тизимини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш**

10. Туман (шаҳар) секторлар раҳбарлари «маҳаллабай» ишлаш тизимини самарали ташкил этишга шахсан масъул бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

бошқарув офислари ишини ташкил қилиш, бириктирилган ҳар бир маҳалла бўйича масъулларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш;

ҳар бир маҳаллага бириктирилган доимий вакиллар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

тадбиркорларнинг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда «драйвер» лойиҳаларнинг амалга оширилишини доимий назорат қилиш;

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар билан яқка тартибда шуғулланиб, уларнинг ўз хоҳиши асосида касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, меҳнат билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида ҳисобот бериб бориш.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари туман (шаҳар)ларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини мувофиқлаштириб бориш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

иктисодиёт, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари, республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари фаолиятида ўзаро яқин ҳамкорликдаги «махаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш;

махаллаларга бириктирилган доимий вакиллар, бошқарув офислари, туман (шаҳар) мувофиқлаштирувчи гуруҳларининг фаолияти мониторингини олиб бориш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий чоралар кўриб бориш;

махаллаларни ривожлантириш йўналишлари асосида ишлаб чиқилган комплекс дастурлар ижросини назорат қилиш;

мувофиқлаштирувчи гуруҳлар томонидан аниқланган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий даражадаги муаммоларини тезкорлик билан бартараф этиш чораларини кўриш;

аҳоли истаклари асосида ҳудуддаги муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорлар ва ҳунармандларни мотивацион курслар, касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш жараёнларига таклиф этиш;

ўз ҳудудида бандлиги таъминланмаган ёшларнинг мутахассислиги бўйича бошқа туман (шаҳар)лардаги ташкилотларда мавжуд бўш (вакант) иш ўринларига ишга жойлашишига кўмаклашиш;

ҳар бир туман (шаҳар)нинг иқтисодий салоҳияти ва «драйвер» соҳаларидан келиб чиқиб истиқболли тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш;

«махаллабай» ишлаш бўйича туман (шаҳар)ларда амалга оширилаётган ишлар натижалари бўйича ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида ҳисобот бериб бориш.

12. Ҳудудларда «махаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича Республика комиссиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«махаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, мувофиқлаштирувчи гуруҳлар, бошқарув офислари ва доимий вакиллар иш фаолиятини ташкил этишга методологик кўмаклашиш;

«махаллабай» ишлаш тизимига жалб этилган республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

махалла паспорти ва маҳаллани ривожлантириш йўналишларининг намунавий тузилмасини ҳамда маҳаллада сўров асосида ўрганиш учун саволнома ишлаб чиқиш;

мувофиқлаштирувчи гуруҳлар, бошқарув офислари ва доимий вакиллар томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва амалий натижаларидан келиб чиқиб уларни рағбатлантириш ёки масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

мувофиқлаштирувчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган республика даражасидаги муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш;

«маҳаллабай» ишлаш тизимининг барча бўғинлари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайдиган, маҳаллалар паспортлари ва ривожлантириш йўналишлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олувчи ягона электрон платформани ишлаб чиқишни таъминлаш.

#### **4-боб. Маҳалла паспортини ва ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш тартиби**

13. Доимий вакил фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла фаоллари билан биргаликда Республика комиссияси тасдиқлайдиган намунавий шакл асосида уйма-уй ўрганиш ўтказган ҳолда, маҳалла паспорти ва янги лойиҳа таклифларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун бошқарув офисига тақдим этади.

14. Бошқарув офиси уч кун муддатда туман (шаҳар)даги ваколатли давлат ташкилотлари билан биргаликда маҳалла паспортига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширади ва тасдиқлаб фуқаролар йиғинига юборади.

15. Бошқарув офиси доимий вакил билан биргаликда тасдиқланган маҳалла паспорти маълумотлари асосида ўн кун муддатда Республика комиссияси тасдиқлайдиган намунавий шакл бўйича маҳаллани ривожлантириш йўналишларининг комплекс дастурларини ишлаб чиқади ҳамда «драйвер» лойиҳалар рўйхатини шакллантиради.

Бунда заруратга кўра, тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари жалб этилиши мумкин.

16. Маҳаллани ривожлантириш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган комплекс дастурлар ва «драйвер» лойиҳалар рўйхати мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этилади.

17. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ икки ҳафта муддатда маҳаллани ривожлантириш йўналишлари асосида ишлаб чиқилган комплекс дастурларни тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этади.

18. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган маҳаллани ривожлантириш йўналишлари асосида ишлаб чиқилган комплекс дастурлар доимий вакиллар, бошқарув офислари, мувофиқлаштирувчи гуруҳ ва фуқаролар йиғинлари раисларига ижро учун юборади.

#### **5-боб. Маҳаллаларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш тартиби**

19. Доимий вакил аниқланган муаммоларни тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ташкилоти ходимлари, фуқаролар йиғини раислари ва маҳалла фаолларини жалб қилиш орқали ҳал этиш чораларини кўради.

Маҳалла даражасида бартараф этиш имкони бўлмаган масалалар бошқарув офисига тақдим этилади.

20. Бошқарув офиси икки кун муддатда масалани ижобий ҳал этиш чораларини кўради.

Бошқарув офиси даражасида ҳал этиш имкони бўлмаган масалалар мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этилади.

21. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ икки кун муддатда масалани жойига чиққан ҳолда ўрганиб, уни ҳал этиш чораларини кўради.

Туман (шаҳар) даражасида ҳал этиш имкони бўлмаган масалалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарларига тақдим этилади.

22. Маҳаллаларда аниқланган муаммолар ва уларнинг ҳал этилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг барчаси маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан юритиладиган «Қайд этиш дафтари»га киритиб борилади.

23. Фуқаролар йиғини раислари томонидан юритиладиган «Қайд этиш дафтари»нинг намунавий шакли Республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

24. Ҳал этиш имкони бўлмайдиган тизимли (қўшимча маблағ, вақт ва ўрганишлар талаб қиладиган) муаммолар бўйича уларни ҳал этиш даражасига қараб мувофиқлаштирувчи гуруҳ туман (шаҳар), ҳудудий, республика «йўл хариталари»ни ишлаб чиқади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (шаҳар)лар ҳокимликларига тасдиқлашга киритади.

Бунда республика даражасида кўриб чиқиладиган муаммолар бўйича ишлаб чиқилган «йўл хариталари» Республика комиссиясига киритилади.

25. Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (шаҳар)лар ҳокимликлари:

уч кун муддатда «йўл хариталари»га киритилган масалалар бажарилишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва омилларни тегишлилиги бўйича республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқишни ташкил этади;

бир ҳафта муддатда ҳал этиш имкони бўлмайдиган тизимли (қўшимча маблағ, вақт ва ўрганишлар талаб қиладиган) муаммолар бўйича аниқ ижрочилар, муддатлар ва бажариш механизми кўрсатилган ҳолда «йўл хариталари»ни тасдиқлайди ва ижро учун тақдим этади.

26. Республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари «йўл хариталари»да кўрсатилган муаммолар бажарилиши ва ижроси ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ҳар икки ҳафтада тегишлилиги бўйича Республика комиссиясига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (шаҳар)лар ҳокимликларига киритиб боради.

27. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ҳар икки ҳафтада «йўл харитаси»га киритилган муаммолар бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига тақдим этиб боради ҳамда ҳал этилган муаммолар бўйича маълумотлар икки кун муддатда «Қайд этиш дафтари»га киритилишини таъминлайди.

**6-боб. «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этишда ваколатли давлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш**

28. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ «маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга самарали жорий этиш мақсадида бошқарув офислари ва доимий вакилларнинг қуйидаги йўналишларда ваколатли давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди:

а) «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар билан ишлашда:

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари;

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллаларда ташкил этилган «Аёллар маслаҳат кенгашлари»;

Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлимлари;

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан;

б) янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда:

тижорат банклари;

Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузуридаги Тадбиркорларнинг жамоатчилиги кенгашлари билан;

в) муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари;

Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари;

адлия бўлимлари билан;

г) аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишда:

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари;

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари;

Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари;

маҳаллалардаги ўқув масканлари, нодавлат ва нотижорат ўқув марказлари;

ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасалари, касб-ҳунар мактаблари;

коллежлар ва техникумлар, ўқув марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилинади.

29. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 28-бандида кўрсатилган йўналишларда ваколатли давлат ташкилотлари бошқарув офиси ва доимий вакилларга мунтазам равишда ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам кўрса-

тади, заруратга кўра малакали мутахассисларни вақтинчалик уларга бириктиради.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

30. Республика комиссияси ушбу Вақтинчалик низом талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради.

31. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

**117** «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2110-2*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2010 йил 1 майдаги 2010-16, 36-сон «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2110, 2010 йил 31 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 178-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2018 йил 9 январдаги 2018-02, 4-сон «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2110-1, 2018 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 6-сон, 112-модда).

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 18 февраль,  
2021-11-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 февраль,  
7-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**118** **Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2863-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 41-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2863, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 139-модда) билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 18 март,  
5-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 18 мартдаги  
5-мҳ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника  
жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «3» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «4 та принтер» деган сўзлар «2 та принтер ёки ушбу қурилмалар функциясини бажарувчи 2 та кўп функцияли принтер;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«телефон алоқаси ва ҳар бир ходим учун алоҳида телефон аппарати;».

2. 2-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «2» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «2 та принтер» деган сўзлар «1 та принтер ёки ушбу қурилмалар функциясини бажарувчи 1 та кўп функцияли принтер;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«телефон алоқаси ва ҳар бир ходим учун алоҳида телефон аппарати;».

3. 3-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 1 та принтер ёки ушбу қурилмалар функциясини бажарувчи 1 та кўп функцияли принтер;»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«телефон алоқаси ва ҳар бир ходим учун алоҳида телефон аппарати;».

4. 4-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 1 та принтер ёки ушбу қурилмалар функциясини бажарувчи 1 та кўп функцияли принтер;»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«телефон алоқаси ва телефон аппарати»;».

5. 5-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Н. ХУСАНОВ*

*2021 йил 18 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**119** Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2808-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ўРҚ–599-сон «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 10 июндаги 2016-21-сон қарори (рўйхат рақами 2808, 2016 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 340-модда) билан тасдиқланган Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 март,  
2021-14-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил  
11 мартдаги 2021-14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг  
телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ  
хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
2. 16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.

*Келишилди:*

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**Ш. САДИКОВ**

*2021 йил 9 март*

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

*2021 йил 9 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**120** Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш  
ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3288*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.
2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 106, 2019-59-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3188, 2019 йил 29 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2019 й., 10/19/3188/3969-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 22 сентябрдаги 43, 2020-37-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3188-1, 2020 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2020 й., 10/20/3188-1/1335-сон).

3. Мазкур қарор 2021 йил 15 мартдан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 март,  
16-сон

**Т. ИШМЕТОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 март,  
2021-16-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2021 йил 16 мартдаги  
16, 2021-16-сон қарорига  
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар\* учун энг кам улгуржи-сотиш ва  
чакана нархлар**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	11 200	13 200
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	41 200	49 400
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	28 600	34 400

\* Пиводан ташқари.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Молия вазирлигининг 2021 йил 18 февралдаги 2021-11-сон, 2021 йил 12 февралдаги 7-сон «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2021 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2110-2.***

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 мартдаги 5-мҳ-сон «Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2863-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 2021-14-сон «Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2021 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2808-2.***

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2021 йил 16 мартдаги 16-сон, 2021-16-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори.

***2021 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3288.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазир-



лигининг «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2110, 2010 йил 31 май), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2110-1, 2018 йил 8 февраль).

*2021 йил 16 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3188, 2019 йил 29 октябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3188-1, 2020 йил 29 сентябрь).

*2021 йил 20 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

